

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY KITOR PALATASI  
INV.M

# ТОШКЕНТ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 65-66 (6906-6907)  
1998 йил 25 август, сешанба

Сотувда эркин  
нархда

## Кўнгулли дам

**Жалолiddин ФОЗИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими  
Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси етакчи  
мутахассиси.

— Бу йил ёзги дам олишни ташкиллаштириш Касаба Уюшмалари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Мамлакатимиз буйича биринчи мавсумда 1175 оромгоҳларда 118558 нафар уқувчи дам олди. Булар орасида махсус мактаб интернатларида тарбия олаётган 6278 нафар уқувчи ҳамда 4198 нафар меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам бор.

226368 нафар уқувчи мамлакатимизнинг гузал гушаларида саёҳатда булиб қайтишди.

Уқувчиларнинг фанларга қизиқишини инobatта олган ҳолда жойларда йуналтирилган оромгоҳлар ташкил қилинди.

## МЕХНАТГА ХАМДАМ

**ТАЪТИЛ  
САБОҒИ**

Иккинчи мавсумда эса 1314 оромгоҳларда 177718 уқувчи дам олди. Уларга биринчи мавсумда 11496, иккинчи мавсумда эса 15597 та педагог ходимлар, тарбиячилар, жисмоний тарбия ва мусиқа уқитувчилари, тугарак раҳбарлари бириктириб қуйилди.

Мақтадан ташқари муассасалар томонидан болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 112575 уқувчи учун кунглига маъқул булган ҳар-хил тугараклар ташкил этилди

Бустонлиқ туманида Республика компьютер саводхонлиги буйича биринчи урини эгаллаган уқувчилар Янгийул туманидаги кишлоқ хужалиги техникасига йуналтирилган оромгоҳда ва Тошкент вилоятида ҳуқуқшунослик йуналиши буйича совриндорлар дам олдилар.

Шунингдек, барча музейларда ҳар ойда бир кунни «Очиқ эшиклар кун» деб эълон қилинди. Худди шу кунни уқувчиларга музейлар бепул хизмат кўрсатди.

Хуллас бу йилги таътил янглишмасам, кунгилдагидек утди. Унинг сабоқлари бизга дастур булажак.



### БОШ МАҚСАД — ЎЗБЕКISTON РАВНАҚИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик ҳамда консуллик ваколатхоналари вакиллари учун семинар булиб утди. Анжуман Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти тамойиллари ҳамда устивор йуналишлари масалаларига бағишланди. Шунингдек, унда мамлакатимиз ҳукуматининг минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида сўз борди. 20 август кунини семинар иштирокчилари мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов билан учрашди. Президент мазкур тадбир ташкил этилгани эътиборга молик воқеа эканини қайд этди.

### Ҳафтанинг етти кунини «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛАДИ

Мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, уз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматиға сазовор булган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон берди.

## 50 ЎҚУВЧИ АМЕРИКАДА ЎҚИЙДИ

**Гуландон АЛИМОВА —  
Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирлиги  
Умумий ўрта таълим  
бош бошқармаси  
бошлиғи:**

— 1997-98 уқув йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Иккита муҳим ҳуқуқий ҳужжат — «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Мустақиллигимиз боис шу йиллар мобайнида Республикамизнинг 2760 истеъдодли уқувчилари хорижий мамлакатларда таҳсил куриб қайтишди.

Мазкур уқув йилида эса «АК-СЕЛС» ташкилоти орқали 50 уқувчи Америкада таълим олади.

Утган уқув йилида фанлар буйича халқаро олимпиада-

ларда иштирок этган 33 уқувчидан 24 нафари голиб чиқиб, Президентимизнинг махсус совгалари билан тақдирланган эди. Ва улар олий уқув юртларига имтиёзли қабул қилинди.

Бу йил 1-синфга етти юз минг бола қабул қилинади.

Утган уқув йилида бошланғич синф уқувчиларига уқув-қуроллари, кам таъминланган оила фарзандларига қишки кийим-кечак етказиб беришда бирмунча узилишларга йул қўйилганди. Бунинг ҳисобига олган ҳолда «Таълим — таъминот» Бош бошқармаси бу ишга тайёргарликни барвақт бошлади. Бу уқув йили учун 352736 та сумка, 111200 та рангли қалам, жами ун предметдан иборат уқув қуроллари жойларга етказилди. Шунингдек, 233350 дона куртка, 185423 жуфт кулқоп, жами 1067, 5 млн. сумлик уқув қуроллари ва қишки кийимлар харид қилинди ва вилоятларга юборилди.

Республикамиздаги барча

мактаблар сентябрга шай қилиб қўйилди. Бу уқув йилида 55 та янги мактаб ишга тушади.

Яна бир гап. 1998-99 уқув йилидан бошлаб урта умумтаълим мактабларида тарих таълимини янгилаш ва такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги 216—, Бухородаги 6-, Урганчдаги 21 — сонли мактабларда та-

### Таътил сабоғи

рих фани буйича ихтисослаштирилган махсус мактаб ташкил этилади. Шунингдек, баъзи мактабларда ҳам ихтисослаштирилган синфлар очилади.

### ДАРСЛИКЛАР

### ЛОТИН

### АЛИФБОСИДА

**Бахтиёр ҚУРБОНОВ —  
Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирлиги  
Умумий ўрта таълим бош  
бошқармасининг бош назоратчи методисти. Матбуот  
маркази раҳбари:**

— 1997-98 уқув йилида Республикамизда 9546 умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 5 млн. 407.572 уқувчи таълим олмоқда. 1998-99 уқув йилида умумтаълим мактабларининг 4-5 синфлари янги алифбода ўқитилади.

1-синфлар учун 35 номда дастур, дарслик, қўлланма, тарқатма, ёрдамчи материаллар етказиб берилди. 2-синфларда ўқитган 613147 нафар уқувчи учун 16 номда, 3-синфдаги 615142 уқувчи учун 10 номда уқув адабиётлари нашр этилди. 4-5-синфларда ўқитган 1 млн. 251.638 уқувчи учун, 35 номда янги уқув адабиётлари ҳозирлаб қўйилди.

Республикамиздаги 842 мактабда таълим рус, 595 мактабда қозок, 368 мактабда қорақалпоқ, 339 мактабда тожик, 66 мактабда туркман, 64 мактабда қирғиз тилларида олиб борилади. Шунингдек, 27 мактабда дарс машғулоти корейс, 25 мактабда қрим-татар, 11 мактабда татар, 4 мактабда грек, 3 мактабда уйгур, 1 мактабда немис тилларида олиб бори-

ладиган синфлар мавжуд. Бу хилдаги таълим муассасаларида янги ўзбек алифбоси факультатив тарзда утилади. Улар зарур уқув дастурлари, қўлланмалар ва тавсиялар билан таъминланган.

Вилоятларда уқувчилар билан баробар уларнинг ота-оналари ҳам янги ўзбек алифбосини урганишлари учун имкониятлар яратилган. «Якшанбалик мактаблари» ни ташкил этиш тажрибалари кенг ёйилмоқда. Ота-оналар ва мустақил урганувчилар учун «Ўзбек тилининг имлолуғати» (муаллифлар Ш. Раҳматуллаев, А. Ҳожиёв) яратилди.

Республикамиздаги мактабгача таълим муассасаларида, мактабга тайёрлаш гуруҳларида янги ўзбек ёзуви, болалар учун осон уқув машғулоти, уйин воситасида синдирилаяпти.

1998 йилда 211 номда 31033,0 нусхада 2952,4 млн. сумлик дарслик чоп этилиши режалаштирилган.

**Феруза ОДИЛОВА ёзиб олди.**



Мен кеча аям ва сизга таниш бўлган сураткаш Равиль ака Альбеков билан «Фан Сити» га бордим. «Фан Сити» — бизнинг тилимиз билан айтганда болалар шаҳарчаси, дегани экан. Бу шаҳарча илгариги «Болалар дунёси» дўкони бор эди-ку, ўшанинг ўрнида жойлашибди.

Эшикдан қадам босишим билан эртақлар шаҳрига кириб қолгандек ҳис қилдим ўзимни.

Шаҳарчани бизга «Фан Сити» нинг иш бошқарувчиси Сергей ака (фамилиялари Соколов) яхшилаб кўрсатдилар. Биринчи бўлиб болалар учун тахт қилиб қўйилган кийим-кечаклар дўконига кирдик. Равиль акам кичкинагина қизчага дўкондан чиройли кўйлакча харид қилаётган Раъно холани (ўзларини шундай деб таништирадилар) чиқиллатиб расмга олдилар.


Раъно хола Тошкентдаги ёрмоёй комбинатида ишлар эканлар. Неваралари — Моҳирани болалар шаҳарчаси билан таништирга-

ни олиб келибдилар. Уларга ҳам, невараларига ҳам «Фан Сити» жуда жуда ёқибди.

Сўнгра биз ҳар-хил қизиқарли аттракционлар жойлашган бўлимга кирдик. Биласизми, бу ерда боғча ёшидаги ука ва сингилларим бирам кўп эканки, ҳаммасининг юзида хушчақчақлик белгисини кўриб, ўзим ҳам қувониб кетдим. Тўғриси айтсам, мен ҳам аттракционларда учгим келиб кетди. Бироқ, укаларимдан, сингилларимдан бирозгина уялдим. Мен бопи ҳам учраб қолар...

Мана бу жой мен учун янаям

компьютер орқали машинани бошқаришни ўргансам бўлади, дедим, ўйнашга тушдим. Қани энди, кечгача шу ерда вақтимни ўтказ-



сам!..

Севимли эртақ қаҳрамонлари

# «ФАН СИТИ»

# АЖОЙИБ ШАҲАРЧА



қизиқарлироқ экан. Унда компьютерлашган уйин автоматлари, хокей, баскетбол каби ўйингоҳлар жойлашибди. Ана энди мазза қилиб

жойлашган бўлим, кафе, саргарошхона ҳам мени «қўйиб юбормади».

«Фан Сити» ни катталар энг юқори жаҳон андозалари буйича қурилган болаларнинг кўнгли очил комплекс

дейишаяпти. Яхшиси, минг гапиргандан бир кўрган афзал денгу ўз кўзингиз билан кўриб, сиз ҳам мазза қилиб дам олинг.

Комплексдан олам-олам таасуротлар олиб қайтдим. Хайрлашиш чоғида Сергей Соколов шундай дедилар!

— «Фан Сити» мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб совға бўлади. Шу билан бирга бу комплекс оила йилида ишга тушди. Демак, бу жой шаҳар болалари ва пойтахт меҳмонларининг сеvimли оилавий дам олиш маркази бўлиб қолади!..

**Искандар ОДИЛОВ,  
Тошкент шаҳар, Ҳамза  
туманидаги 206-мактаб  
ўқувчиси.**



# ОЙБЕК - ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАТИ БЎЛМОҚЧИ

— Сизга ишонч билдиришиб, бу хушxabарни айтишганда қандай ҳолатга тушдингиз?

— Президент стипендиясига номзодлар, менинг назаримда, бошқа дунё одамларидек туюларди. Суз билан таърифлаб бўлмайдиган катта масъулият мени янада яхши ўқиш, изланиш сари етаклади. Лекин менинг тавсия қилинишим ҳали Президент стипендианти совриндори бўлдим, дегани эмас. Ҳали олдимда катта имтиҳонлар ва бошқа даъвогарлар билан беллашувлар турибди. Ана шу ҳис-туйғулар билан мен ҳозир булажак имтиҳонларга тайерланмоқдаман.

— Аълочи бўлиш яхши-да! Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Аълочи бўлиш жуда катта меҳнат, баъзан жуда кўп нарсалардан воз кечиш эзига насиб қилади. Масалан, кучага чиқиб шунчаки айланиб юришдан, вақтни бекор ўтказишдан, телевизорда берилаётган курсатувларни бир чеккадан ҳаммасини кураверишдан узимни тортаман. Кучада эрта-ю кеч ўйнаб юриб вақтини беҳуда

ўтказадиган тенгдошларимни курсам ҳайрон қоламан. Жуда бўлмаса улар ҳар куни ун варақ китоб ўқишса, вақтларини бирон бир хорижий тил урганишга сарфлашса бўлмайди дейман. Тугри, «аълочи»лик фақат ўқитувчи қуйган «беш баҳо»да эмас. Ҳамма гап уша баҳога лойиқ билимга эга бўлишда.

— Тенгдошларингиздан анча кичиксиз. 15 ёшда мактабни битириб, талаба бўлибсиз...

— Тугри. Беш ешимдан бошлаб Тошкентдаги 109-мактабга борганман. Фанлардан «турт баҳо» олганимни эслай олмайман. Кейин 309-шарқ тиллари лицейида ўқидим. Араб тили бўйича ўтказилган Республика олимпиадасида иштирок этдим ва голиб бўлдим. Шу голиб бўлишим туфайли Тошкент Давлат шарқ тиллари институтининг филология факультети, араб тили бўлимига имтиёзли қабул қилиндим.

— Мактаб даври яхшими ё талабалик?

— Бу даврларни бир-бирига

Республикамиз мактабларида биринчи қўнғироқ чалинишига ҳам санокли кўнлар қолди. Истиқлол байрамнинг шонли 7 йиллик байрамини бир олам қувончлар билан нишонлаган халқимиз 2 сентябрь куни эрта тонгданоқ илм масканларига йўл оладилар. Янги ўқув йилининг қандай бошланиши мураббийлар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг кайфиятларига боғлиқ, албатта.

Яқинда Қашқадарё вилоятида бўлиб, Муборак тумани, халқ таълими бўлимининг муdiri Шаймурод Давронов билан янги ўқув йилига тайергарлик тадбирлари хусусида суҳбатлашдик.

— Ўқувчиларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб камолга етишишлари ота-оналар қатори устоз мураббийларга ҳам боғлиқ.

° Айтингни, тумандаги устоз муаллимлар фаолияти сизни қониқтирадими?

— Донолар ёшлик даврини ниҳолга қиёслайдилар, уни қандай парвариш қилиш эса асосан боғбонга боғлиқ.


Демокчиманки, фан боғининг боғбонлари саналмиш ўқитувчилар ёш авлод тарбияси учун доимо масъулдилар. Туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда 864 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатиб, халқимизнинг 13 минг нафардан зиёд фарзандларига замон талаблари даражасида таълим-тарбия бериш учун ҳозирлик куришяпти.

Муаллимларимизнинг асосий қисми олий ва махсусурта маълумотли мутахассислардир. Улар узаро тажриба

алмашишадди. Бир-бирларидан қимматли маслаҳатларини аяшмайди. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида туман халқ таълими бўлими ҳузу-

рида лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини урганиш курси ташкил этилди. Бу курсда 10 нафар ўқитувчи уз тажрибасини оширди. Бундан ташқари 40 нафар бошлангич синфлар ўқитувчилари, 24 нафар ўзбек тили ва

## Мустақил юрт болалари — иқтидорлидир



Ойбек Зайниддинов

тажқослаганда катта фарқ борлигини кураман. Мактаб даври узича, институтда ўқиш эса бошқа бир дунё. Мактабдаги ўқитувчиларимиз берадиган билимларни тушунганимизни тушуниб, қолганларига гўё эътибор бермай кетсак ҳам куннишадиғандек эди. Мактабда институтдагидек масъулият юкланмасди. Мактабда биз ёш бола эдик-да!..


Институтда эса берилган

адабиётларни топиб ўқиш, урганиш — энди талабанинг вазифаси. Ота-онамиз, Ватанимиз олдида масъулиятимиз бор. Шуларни едда тутган ҳолда ўқишга, билмаган нарсаларимизни урганишга ҳаракат қиламиз. Яхши ўқисаккина малакали, бирон касб эгаси бўлишлигимизга ақлимиз етади. Қолаверса, бизда яхши ўқиганларгина хорижий мамлакатларга чиқиб, ўз билимларини мустақамлашлари мумкин.

— Ёзи таътил ҳам охираб бораёпти. Таътилда нималар қилдингиз?

— Ўқишга улгурмаган китобларимни ўқиб чиқдим. Шаҳримизнинг гузал гушалари-ни бориб курдим. Қурилишлар, битган иншоотлар, хиебон, боғлар тарихи, келажаги билан қизиқдим. Телеминора остидаги ҳовли-жойларда яшаб, унга чиқмаганлар кўп. Музей ва театрларга ҳам вилоятлардан келиб куришадую, ҳамшаҳарларнинг кўпчилиги, айтайлик, Алишер Навоий театри биноси ичини бирон марта ҳам куришмаган...

— Мустақиллик байра-



Ҳозирча манави қайиқчада сузаяпман. Катта булганимда албатта катта параходда сузаман!

да кимларнинг номини кўрсатган бўлардингиз?

— Туман халқ таълими бўлими услубиёт хонаси муdiri Қудрат Қозоқов, услубчи Тоғаймурод Одилов, мактаб директорларидан Жура Қобилов, Ҳалима Жумаева, Гани Намозов, ўқитувчилардан Бешим Темиров, Зулфия Жумаева, Гулсум Тангрикулова, Чоршанба Эшмаматов, лицей-интернат директори Турди Бегендиев, муаллим-

таб директорларидан Жура Қобилов, Ҳалима Жумаева, Гани Намозов, ўқитувчилардан Бешим Темиров, Зулфия Жумаева, Гулсум Тангрикулова, Чоршанба Эшмаматов, лицей-интернат директори Турди Бегендиев, муаллим-

## Тараддуд

моддий базаси жаҳон андозалари асосида бойитаётганлиги фикримизнинг аниқ далилидир.

# САҶОВАТПЕШАЛИК ҲАМ МАЪНАВИЯТ

адабиёти муаллимлари ҳам малака ошириш курсларини тамомладилар.

Мактабларни ёш муаллимлар билан таъминлашда вилоят халқ таълими бошқармаси яқиндан ёрдам кўрсатяпти.

Хуллас, туманимиз зиёкорлари доимо изланишдалар.

— Истиқлол мубораклик халқ таълими ходимлари тақдирида...

— О, бу кўнларга шукроналар айтсак арзийди. Биргина халқ таълими тизимини узидаёқ мисли курилмаган янгиликлар, узгаринларруй берди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги, Ўзбекистон тарихи, адабиётининг чуқур ургатилаётган-

Мана бир неча йиллардан буён туманимизда иқтидорли болалар лицей-интернати бизнес мактаби фаолият кўрсатаёпти. Ёшлар хориж тилларини мукамал урганишяпти. Қўлларига етуклик гувоҳномасини олган ўғил-қизлар мамлакатимиздаги нуфузли дорилфунунларга тест синовлари асосида қабул қилиниб, энг юқори баллар туллашяптилар. Мактабларда 73 та чуқурлаштирилган синфлар, 10 та гимназия синфлари ташкил этилган. Ўқитувчиларимизнинг меҳнатлари адолатли баҳоланмоқда. Буларнинг барчаси истиқлолимиз туфайли албатта.

Ўз касбининг фидойиси, илғор, меҳрибон устоз деган-

лар Марат Чулиев, Дусан Турсаев, Холиқ Аннаевни... Бу руйхатни яна давом эттиришимиз мумкин. Илғор, эл уртасида обрў-эътиборга эга ўқитувчиларимиз борлигидан фахрланамиз.

— Янги ўқув йилининг қандай бошланиш ҳар бир ўқувчининг дарсликлар, ўқув қуроллари билан нечоғлик таъминланиш билан белгиланади, албатта. Республика Вазирлар Маҳкамаси алоҳида қарор қабул қилиб, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарслик, ўқув қуроллари билан таъминлашда ҳомийлик ёрдамини кучайтиришга даъват этди. Бу борада туманингизда қандай тадбирлар белгиланган?



ми ва янги ўқув йили муносабати билан ўқувчи укаларингизга, айрим тенгдошларингизга қандай тилақларингиз бор?

— Кўпроқ билим олинг! Шу даврдаги интилиш, изланишларингиз келажакда ким бўлишингизни белгилайди. Арабларнинг бир мақоли бор: «ЁШЛИҚДА ОЛИНГАН БИЛИМ, ТОШГА УЙИЛГАН НАҚШ КАБИДИР».

Шу мақолни менинг укаларим, сингилларим, айрим тенгдошларим ҳам шиор қилиб олсинлар.

Мактабда олинган билим бутун умр биз билан биргадир.

Дангаса бўлманг.

Бадий китобларни кўп ўқинг...

София  
МУҲАММАДЖОНОВА  
суҳбатлашди

— Кам таъминланган оилаларнинг 3708 нафар фарзандлари мактабга қатнайдилар. Уларни дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш мақсадида туман ҳокимлигининг фармойиши чиқди. Саҳоватли инсонлар ёрдамларини аямаяптилар. Масалан, Олий Мажлис депутати Иван Родионович Келеш раҳбарлик қилаётган «Муборакгаз» конлари бошқармаси кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини бепул дарсликлар, ўқув қуроллари билан, ундан ташқари кийим-бош билан таъминлаш учун беш юз минг сум пул ўтказишга қарор қилди. Бундан ташқари, Олий Мажлис депутати Нуриддин Зайниев директорлик қилаётган Муборак газни қайта ишлаш заводи, Илҳом Саидов бошчилик қилаётган «Омад» фирмаси, тумандаги барча жамоат ширкат хужаликлари ҳомийлик ёрдамини кўрсатишяптилар.

Меҳр — оқибатли, иймонли халқимиз борлигидан қалбимиз гурурга тулади. Ахир, мана шу саҳоватпешаликнинг узи маънавиятимизнинг юксаклиги эмасми?

Севимли газетамиз «Тонг юлдузи» орқали барча ҳомийларимизга ташаккур айтаман, чунки, ёшидан, касбидан қатъи назар, республикамизнинг ҳар бир фуқароси болаликдан «Тонг юлдузи» муштарийсидир. Биз буни ростлигига бу йил сизни ишонтираман.

— Шаймурод ака, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

— Миннатдорман.

# АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, УСТОЗ!

Еш авлод бизнинг келажигимиз. Уларни ҳар томонлама тарбиялаш, билим чашмалари билан қуроллантириш, Ватанимиз тарихи маданияти ва санъатига қизиқиш уйғотиш тарбиячи ва муаллимларимизнинг сеvimли ва шарафли вазифаларидир.

Шундай масъулиятли меҳнати билан шуҳрат топаётган устозлардан бири — Тошкентдаги Камолдин Бехзод номи 12-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Саъдулла Ҳошимовдир.

У мана, ун беш йилдики, устозлик маҳорати билан шогирдларининг, уларнинг ота-оналари ва мактаб жамоасининг олқишига, ҳурматига сазовор булган муаллим.

— Саъдуллажон, маҳоратингизнинг сирини нимада?

— Ишнинг натижаси ҳамда маҳорати биринчидан, ўқувчига дарс бериш санъатига, иккинчидан изланувчанлиги ҳамда шогирд олдидagi жавобгарлигини унутмаслигига ва энг муҳими ўқитадиган фанига ўқувчиларни қизиқтира билишида, деб биламан. Ўқувчи шеърми, миллий фольклорми, лапарми урганмасин, шoirнинг, ёзувчининг, халқнинг асарига ифодаламоқчи булган бош мақсади, тарихий халқ тақдиридаги яхши, ёмон аҳволнинг бутун жиҳатларини теран ҳис қилмоғи лозим.

Утган йили, мустақиллик учун қайгурган Чулпоннинг 100 йиллиги ўтказилди. Туманда ўтказилган «Ўзбекистон Ватаним — маним» курик-танловига Чулпоннинг «Халқ» шеърини ижро этиш бизнинг ўқувчиларга топширилди. Нима қилиш

керак? Ўқувчилар таътилда.

Уша кунни эрталабдан қоронғу тушпунга қалар уйма-уй юриб уч қиздан бошқа ҳеч кимни топа олмадим.

«Булар булажак гуруҳнинг дастлабки қалдиригочлари булади», деб Шаҳноза Набиева, Бахтигул Очилова ва Лазиза Тўлаганова — уч ўқувчининг исм-фамилияларини ёзиб қўйдим.

Эртасига тонг отиб, ҳамма уйқудан тура бошлаганида яна массивнинг таниш эшикларини қоқиб, уйларга кириб ота-оналар билан гаплашдим ва ... 12 ўқувчи гуруҳга қабул қилинди.

Энди улар уша кунни еш боладек қувонган, туладан келган, оқ юзли дугор ва чилдирмаларга жон ато этувчи сеvimли мусиқа ўқитувчининг жилмайиб хурсанд булиб

«Раҳмат, қизларим!» деган сузини ҳамisha эслаб юришади. Чунки, Саъдулла шу қизлар орқали курик-танловда биринчи уринни эгаллаб мактабга шуҳрат келтирди-да!

— Бир кунни қизиқ воқеа булди, — деб эслайди Саъдулла Ҳошимов. — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллигига самолётсозлар саройида ашула-рақс, хор-фольклор курик-танловига тушланган эдик. Вақт тигиз эди. Саҳнага чиқиб тайёргарлик қураддик. Менга бир йигит тикилиб, қараб кела бошлади.

— Ассалому алайкум, устоз! — деб нотаниш йигит икки қўлини куксига қўйиб салом берди. Қулишлари, қарашлари таниш, бироқ...

— Мени танимаятсиз-а? Майли, ҳечқиси йўқ... Йил сайин гуруҳдан мен каби қанча-қанча қалдиригочлар

учади. Эсладингизми? — деди.

— Ҳа, энди эсимга тушди, — деди Саъдулла Ҳошимов.

Куп йиллар утиб, ўзи ҳам устоз булган Баҳром Пулатов ўз устози билан шундай куришган эди. «Дарахт меваси билан гузал», — дейди доно халқимиз. Устоз шогирдлари билан элда азиз. Ҳадемай, юзлаб шогирдларингиз «Ассалому алайкум, устоз!», деб чиқишади. Узоқ йиллар шогирдлар саломига очик юз билан алик олиш бахти сизни тарк этмасин!

Қидирбой Тўлабоев.

## БИЗ ЯНГИ МАКТАБДА ЎҚИЙМИЗ

Тошкентдаги Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактаб инглиз тилига ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда иқтидорли, тил ўрганишга салоҳияти кучли ўқувчилар тарбияланадилар. Мактаб директори Роза опа билан суҳбатлашганимизда, улар мактаб ҳаёти, унинг бутунги фаолияти тўғрисида бундай дедилар:

— Айни кунларда мактабимиз ўқувчилар, ота-оналар билан гавжум. Чунки янги ўқув йилига ўқувчилар қабул қилаёпмиз. Қабул синов, суҳбат асосида олиб борилмоқда. Мактабга туман халқ таълими бўлими ҳам катта эътибор билан қарамоқда. Улар мустақиллигимизнинг 7 йиллиги муносабати билан мактаб ўқувчилари учун 360 уринли янги мактаб биносини ҳада этишмоқчи. Ҳамма синфлар лингвонлаштирилган. Компьютер хоналари мавжуд. Утган йили инглиз тилини пухта билган ўқувчилар Англияда 3 ой булишиб, ўз билимларини янада мустаҳкамлаб келишди. Янги ўқув йилининг охирида ҳам 20 нафар ўқувчи мактаб раҳбари ва 4 нафар малакали ўқитувчилар Англияга бориб, тил ўрганишлари режалаштирилмоқда.


Озода ТУРСУНБОЕВА.

— Мана, биз орзиқиб кутаётган мустақиллик байрами ҳам кундан-кунга яқинлашиб келаётир. Мустақиллик байрами билан биргаликда Билимлар кунни ҳам нишонланади. Кундан бери мактабларини соғинган ўқувчилар устозлари, кадрдон мактаби қўйнига шошилади. Биз эса, «Биринчи кунгирок» байрамини янги мактабда ўтказадиган бўлдик. Мактабимиз икки қаватли бўлиб, хоналари кенг, чиройли қилиб безатилган. Унда 24 синф хонаси булиб, 360 уринга мулкжалланган. Ўқувчиларимиз учун яна бир қўлайлик яратилган. Энди ўқувчилар 2 сменада эмас, 1 сменада, фақат тушгача ўқишади. Илгарилари тушдан кейин ўқиган болалар тугарақларга қатнаша олмасдилар. Энди эса бемалол узлари хоҳлаган тугарақларига қатнашишлари мумкин.

Биз, ўқувчилар мустақиллик кунига бу мактабни бизга совға қилган мактабимиз директори ва жамоа ҳужалиги раисига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Лазиз Хамроев, Бухоро вилояти, 14-умумий мактабнинг 10-синф ўқувчиси

## ХУРШИД — Мустақиллик тенгдоши



Кичкинтой

«ХУРШИД кичкина-ку! Мустақиллик — етти ёшга тўлаяпти. Унинг тенгдошлари мактабга бораёпти...» дейишингиз аниқ, суратни кўриб. Ҳа, Хуршид 1991 йил, 1-сентябрда туғилган. Сурати эса бир ёшлик пайтида олинган. Энди Хуршид Термиз тумани «Янгиариқ» жамоа ҳўжалигидагиларнинг назарига тушган болалардан бири. Норқўчқор ота Бўриев Хуршид ўлининг интилувчанлигидан, катта-катта ишларни «кичикман», деб ўйлаб ўтирмай бошлаб юборишидан қўвониб замонасига яраша — бола-да, дейди қулиб.

Катта боғ усиз ҳувиллайди.

Катта ҳовлидаги моллар, товуқ, жўжалар ҳеч ёққа сиғмай кетади у уйда кўринмаса.

Катталар кўмакчиси, кичикларнинг илҳомчиси, шу, Хуршид.

Эшикдан нафақат унинг ёшидагилар, балки катта болалар ҳам қақириб келгани келган. «Хуршид, велосипедимни тузатибер»

«Хуршид, уй қураёпмиз, фиштимизни ташишиб юбор»...

«Хуршид, далага бориб, келайлик»...

Хуллас, Хуршид — мустақиллик тенгдоши. Унинг шу кунларда суратга тушишга вақти йўқ. Онаси Ойнахон Абасаеванинг айтишича, лотин имлосини ўрганишга муккасидан тушган. Дарслар бошланиб, аъло баҳолар олсин, ана унда суратга тушади. Ва биз унинг суратини «Аълочилар ҳақида ҳикоялар» рукнимиз остида албатта эълон қиламиз!

Абдулхамид АБДУҒАППОРОВ



— Йўлимиз бирга ухшайди, келинлар, юкингни кўтаришиб юборай, — дедим. Улар эса менга юкларини кўтартиришдан ийманишди. Мен эса улардан ота-оналари, ўзлари ҳақида гапириб беришларини сўрадим.


— Менинг отам трактор ҳайдайдилар. Онам уй бекасилар. Томорқамизга ул-бул экканмиз. Яна катта ёнгоғимиз ҳам бор. Шуларни сотиб, камчиликларимизни битказаяпмиз, — деди Санжар исми бола.

— Томорқамизга биз ҳам ерғоқ, малина, маймунжонлар эккаймиз. Шуларни со-

қурсатмайдимиз?

— Йўқ, биз таътил кунлари бўлганлиги учун чиқаяпмиз холос, — деди Санжар.

— Биз ҳечам бозор деб дарсдан кетиб қомаймиз. Ўзи ўқув қуроллари учун пул йиғаяпмиз-у, яна мактабдан, дарслардан қандай қоламиз, — гапга аралашди Хусниддин.



— Мактабга бормасдан, савдо билан шугулланаётган дўстларингизга муносабатингиз

қандай?

— Умуман олганда, менинг муносабатим ёмон. Чунки, мактабни битирмасдан, етуклик гувоҳномасини қўлларига олмасдан бозор-учарга, пулга берилиб кетган тенгдошларимиз жуда куп. Мен уларга аввал мактабни битиринглар, ана ундан кейингина пул топиш йўларини ўйланглар, деган бўлар эдим, — деди Хусниддин. Чунки, пулга ишониб, унга ружу қўйган инсон кейинчалик пушаймон бўлиши турган гап.

Мен бу болаларнинг гапларини эшитиб, уларнинг изланувчан болалар эканлигини билиб олдим. Умуман олганда, ҳозир болаларнинг бозорга чиқиб, савдо-сотик билан шугулланишлари баъзан, ташвишлантиради, чунки, болаларнинг биринчи галдаги вазифаси ўқиш, билим олиш, касб-хунар ўрганиш. Шундай эмасми?

Сайёра МИРЗААЛИЕВА, Жиззах вилояти.

## Муҳокама

тиб, мактабга ул-бул нарсалар сотиб олаяпмиз. Дадамларнинг бунга қаршиликлари йўқ. Чунки чайқовчилик билан шугулланаётганимиз йўқ, — деди Хусниддин исми бола.

— Хусниддин, Санжарбек, савдо-сотик билан шугулланишингиз кейин ўқишингизга салбий таъсир

таб формаси ҳам керак...

— Мен эса кеча ҳамма пулларимни ҳисоблаб чиқсам, 640 сўм бўлибди. Мен бу пулларга ўзимга, укамга оёқ кийими олмоқчиман.

Мендан 3-4 қадам нарида кетаётган бу болакайларнинг суҳбатини бозорнинг ёнига келгунча эшитиб келдим. Уларнинг суҳбати мени улар билан яқиндан танишишга туртки бўлди.

Кундалик турмушимизда ҳар-хил воқеалар учрайди. Кимнингдир иши юришади-ю, кимникидир... Уй, рўзгор ташвишда бир кунни бозорга чиқдим. Бозорга кетаётиб қизиқ бир суҳбатнинг шохиди бўлдим. Хуллас, мана сиз ҳам эшитинг.

— Бугунги савдом юришиб, озгина пул ишласам, ўқув-қуроллари, китоб сотиб олган бўлар эдим. Яна мак-

# ЁШ ИҚТИСОДЧИ

## YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова  
иқтисодий газета



### МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА 6 КУН ҚОЛДИ

### ТАБИАТ - БОЛАЛАР НИГОҲИДА



Чорвоқ сув омбори яқинидаги Амир Темур номли болалар оромгоҳида “Чорвоқ-98” номли экологик фестивал бўлиб ўтди. “Оила ва экология - болалар нигоҳида” мавзусидаги республика кўрик-танлови доирасида ташкил этилган бу тадбир Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллиги байрамига бағишланди.

Фестивалнинг мақсади - жамоатчилик эътиборини экология муаммолари ва болаларни ҳимоя қилиш масалалари, болалар ижодиёти ва бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни табиатга меҳр-муҳаббат, эзгулик, меҳр-шафқат, дўстлик руҳида тарбиялаш ишларини янада кучайти-

ришга урғу беришдир.

Амир Темур номли мазкур соғломлаштириш-спорт оромгоҳи ташкил этилганига яқинда 40 йил бўлди. Бу давр ичида унда минглаб юртдошларимиз дам олиб, куч-қувват йиғдилар. Бу масканда Германия, Афғонистон, Россия ва бошқа мамлакатларнинг болалари ҳам табиат кўйида яйраб, ўзбек тарбиячилари меҳридан баҳра олишган. Оромгоҳда турли тадбирлар ўтказиб туриш анъанага айланган.

Бу галги “Чорвоқ-98” фестивалида ҳам болалар кўли билан ясалган юмшоқ ўйинчоқлар, қурутилган доривор ўсимликлар ва табиатга бағишланган кўшиқлар катта эътибор топди. Қибрай туманидаги 2-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Назира Тўйчиева, Тошкент шаҳридаги 196-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Феруза Жалилова, Зангиота туманидаги 126-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Назокат Расулова, пойтахтдаги 268-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Баҳодир Довутжоновлар фестивал ғолиблари бўлишди.

#### Мурда

Наманган шаҳридаги Тадбиркорлик ва Бизнес мактабида республика олий ўқув юртлири ректорлари йиғилиш ўтказдилар. Йиғилишда мустақилликнинг 7 йиллиги байрами шарафига қилинаётган ишлар, режалар ҳақида суҳбатлашилди ва ўзаро ўқув режаси бўйича фикр алмашилди. Бу баҳс-мунозара тадбиркорлик ва бизнес мактаби ўқувчиларининг маърифий дунёсида ёрқин из қолдирди.

\*\*\*


Наманган вилоят халқ таълими бошқармасида “Оналар ва болалар” мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда кам таъминланган оилалар, қаровсиз болалар тақдирига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўз мухбиримиз.

#### Ёш

### ТЕННИСЧИЛАР МУСОБАҚАСИ



Яқинда пойтахтимиздаги “Камолот” кортларида Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон мамлакатлари ўсмирлар терма жамоалари таркибига кирган (1985 йилдан кейин туғилган) теннисчилар ўзаро куч синашишди. Ушбу мусобақа ITF доирасида ўтказилаётгани билан ҳам алоҳида диққатга сазовор бўлди. Унда Халқаро теннис федерацияси вакили Суреш Менон иштирок этди.

Учрашув 2 босқичда ўтказилди. Юртимиз шарафини олти нодир қиз

- Н.Иброҳимова, И.Исроилова, С.Рябцева, В.Лепченко, Л.Франгулян, Э.Арутюнова ва 6 нафар бола - Н.Аюпов, С.Икромов, И.Какурсин, Э.Таран, Я.Богданович ва Д.Истоминлар ҳимоя қилишди.

Суреш Менон сўзида Ўзбекистонда теннисга катта эътибор берилаётганини таъкидлади, ёш теннисчиларга камолот тилади. 4 нафар ўзбекистонлик ғолиб декабрь ойида Шри-Ланкада бўладиган халқаро мусобақада қатнашиш учун йўлланма олдилар.

ХАМРО БОНУ.

### УШБУ СОНДА:

Келинг, ўзимизнинг пулимизга қараймиз. Улар қандай қилинган? Улар Бартер ороли пулларига қайси жиҳатлари билан ўхшайди?  
**ПУЛ НИМАЛАРГА ҚОДИР**

### 7-БЕТ

Тенгдошингиз Зухрани дугоналаридан фарқли томонлари нимада деб сўрасангиз, мен Зухра жуда озода, камтарин, самимий қиз деб жавоб берар эдим. Бу йил Зухра учун қувончли келди.  
**МАҲАЛЛАМИЗ ЗУҲРАСИ**

### 8-БЕТ

#### „ОИЛА ВА ЭКОЛОГИЯ БОЛАЛАР НИГОҲИДА“

мавзусидаги болалар ижоди бўйича республика кўрик-танлови эълон қилади. Унда куйидаги мавзулар бўйича асарлар, ишлар кўриб чиқилади:...

### 9-БЕТ

Қўлдаги “ёзувлар” инсоннинг бу дунёга нечоғли мослашганини аниқлаш имконини туғдиради. Ундан фойдаланиб, ҳар бир киши ўзига хос тиббий, педагогик, ижтимоий ёндашувларни танлаб олиши мумкин.  
**ТАҚДИРИНГ - ҚЎЛИНГДА**


### 10-БЕТ


Апельсин - пўртахолнинг ватани қаер эканини ҳеч ким билмайди. Гарчи, у айни пайтда дунёнинг иқлими иссиқ барча мамлакатларида ўстирилса ҳам, яқин-яқинларгача унчалик кенг тарқалмаган эди.  
**АПЕЛЬСИННИНГ ҚАНЧА ТУРИ БОР?**

### 11-БЕТ

### ЎШН МАЙДОҲАСИ


### 12-БЕТ





Ё.АБДУЛЛАЕВ.

# НИМА? ҚАНЧА? ҚАНДАЙ? КИМ? ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИНИ ИЗЛАШ УСУЛЛАРИ



## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТЎРТ УСТУНИ НИМА?

Жамиятнинг тузилиши қандай бўлишидан қатъи назар, унинг олдида иккита қарама-қарши муаммо турди.

**Биринчиси** - ишлаб чиқариш ресурслари (табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, капитал, техника ва технология)нинг чекланганлиги. Буни ғарбдаги иқтисодчилар ресурсларнинг камёблиги деб аташади.

**Иккинчиси** - эҳтиёжларнинг чексизлиги. Ҳаёт кечириш турли-туман иқтисодий, маданий, социал, сиёсий, маънавий каби эҳтиёжларнинг қондирилишини билдиради. Аммо бу эҳтиёжларнинг қондирилиши чегараланган ресурслар билан боғлиқ.

Эҳтиёж ва ресурсларнинг номуносиблиги, бирининг чексизлиги ва иккинчисининг чекланганлиги куйидаги муаммоларнинг ечимларини топишга мажбур қилади:

1. **Нима ишлаб чиқариш керак?**
2. **Қанча маҳсулот ишлаб чиқариш керак?**
3. **Маҳсулотни қандай қилиб ишлаб чиқариш керак?**
4. **Ким бу маҳсулотни сотиб олиши мумкин?**

Таъкидлаганимиздек, бу муаммолар эҳтиёжларнинг чексизлиги ва ресурсларнинг чекланганлигидан келиб чиқади. Бозор иқтисодиётининг 4 устуни бўлган бу тўртта саволга жавоб излаш жараёнида ишлаб чиқарувчи барча бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олиши, фойда-зиённи қайта-қайта тарозига солиб кўриши ва охир-оқибатда мумкин бўлган жавоблардан бирини танлаши ва қарор қабул қилиши керак.

Эҳтимол, бозор иқтисодиёти тушунчаси ҳам ана шу юқоридаги тўртта саволга жавоб топиш юзасидан барча субъектларнинг ўз ҳужалигини юритиш борасидаги хатти-ҳаракатидан келиб чиққандир.

## НИМАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕРАК?

Ҳар қандай корхона ёки фирмани рағбатлантирувчи куч - бу фойдадир. Ўз манфаати мақсадига эришиш учун фирма имкони борича кўп фойда берувчи, маҳсулотни ишлаб чиқариши керак.

**Фойда куйидагича аниқланади:**  
 $F = PS - ICHX$

Бу ерда:  $F$  - фойда массаси;  $PS$  - товар ёки хизматни сотишдан тушган пул суммаси;  $ICHX$  - ишлаб чиқариш харажатлари.

**Фирма учун фойданинг икки жиҳати бор:**

- фойда массаси, яъни унинг умумий суммаси ( $F$ );
- фойда нормаси, яъни унинг нима эвазига олинганлиги ( $FN$ ).

Шуни таъкидлаш зарурки, фирма

## ТЎРТ САВОЛ (УСТУН)НИНГ ЕЧИМ УСУЛЛАРИГА ҚАРАБ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ТУРЛИЧА АТАЛАДИ ДЕЙИШАДИ. ШУ ТЎҒРИМИ?

Тўғри. Ҳар бир иқтисодий тизим Нима, Қанча, Қандай ва Ким саволларига ўзининг жавобларини излашда уринган ва турлича усулларни қўллаган. Шунга қараб иқтисодий тизимларнинг номи ҳам ўзгариб:

- анъанавий иқтисодиёт;
- маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти;
- эркин бозор иқтисодиёти деб номланган.

Эҳтиёжни қондириш усуллари ҳам тарихан ўзгариб борган. Шу даврга қадар эҳтиёжни қондиришнинг икки усули мавжуд бўлган:

- эҳтиёжни натурал истеъмол орқали қондириш;
- эҳтиёжни товар истеъмоли орқали қондириш.

Биринчи усул яратилган маҳсулотни ишлаб чиқарилган жойнинг ўзиде, унинг эгалари томонидан бевосита истеъмол этилишидир. Масалан, етиштирилган дон деҳқон ҳўжалигининг ўзиде ўз эҳтиёжи учун, хусусан, емга, уруғликка ва ишловчиларнинг истеъмолига сарф бўлади. Эҳтиёжнинг бундай усул билан қондирилиши қоқоқ, анъанавий иқтисодиётга, хусусан натурал иқтисодиётга хос. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар ўн ва юз йиллар давомида ўзгармаган. Кейинги авлод вакиллари ота-боболари қайси усулни қўллаган бўлса, улар ҳам шу усулларни қўллаб келишган.

Хуллас, анъанавий иқтисодиёт шароитида Нима, Қанча, Қандай ва Ким саволларига жуда ҳам секинликда жавоб ахтарилган, у қоқоқ даражадаги урф-одат ва анъаналарга асосланган.

Бу усулни маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти, айниқса, бозор иқтисодиёти инкор этади. Бу тузумлар шароитида эҳтиёжлар товарларни сотиб олиш орқали қондирилади. Энди ишлаб чиқариш ихтисослашган бўлиб, яратилган маҳсулотлар ўзгалар эҳтиёжига

мўлжалланади ва шу сабабли айирбошлашга ўтилади. Нима, Қанча, Қандай ва Ким масаласини ечиш усуллари бу тизимларда ўз ифодасини турлича топади (жадвалга қаранг).

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида "Ким ушбу маҳсулотни сотиб олиши мумкин" масаласини ечишга истеъмолчи (харидор) эмас, балки ишлаб чиқарувчи ўз исмини ўтказган бўлса, энди эркин бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказиши.

Ўрнатилган иш ҳақи фонди, ўртача иш ҳақи, фойда ва рентабеллик даражаси кабилар маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти тизимида ишлаб чиқарилган маҳсулотни Ким сотиб олиши мумкин, деган саволга тўппа-тўғри жавоб беради.

Нима, Қанча, Қандай, Ким масаласини ечишнинг ўзига хос усуллари		
Муаммолар	Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
Нима ва қанча?	Нимани, қанча ишлаб чиқаришни Госплан белгиларди. Масалан, "А" ва "Б" маҳсулотларнинг салмоғи қатъий режалаштирилди. Жойлардаги талаб тўла инobatта олинмаганлиги сабабли бир томондан кераксиз маҳсулотларнинг тақчиллиги пайдо бўларди.	* ҳар бир корхона ёки фирма ўз салоҳиятига, бозордаги талаб ва таклиф, нарх-наво ва рақобатга қараб у ёки бу маҳсулот турини ҳамда қанча ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади. Ортиқча маҳсулот ғамламалари ҳам, тақчиллиги ҳам бўлмайд.
Қандай?	* ишлаб чиқариш кучларини қандай жойлаштириш, қаерда завод ёки фабрика қуриш, янги замонавий техника сотиб олиш, керакми ёки қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқариш жараёнида жалб қилиш керак каби масалаларни Госплан, обллан ва райплан белгилаб беради.	* ишлаб чиқариш кучларини қандай жойлаштириш, хусусий корхона ёки кўшма корхона қуриш лозими, ишчи кучини ёллаш ёки янги технологияни жорий қилиш керакми? Бу ва шунга ўхшаш саволга жавобни бозор белгилаб беради.
Ким?	* маҳсулотни ким сотиб олиши лозимлигини моддий-техника таъминоти идоралари Госплан томонидан қатъий тасдиқланган лимитга биноан белгиларди ва тақсимларди.	* ким сотиб олишини давлат эмас, балки бозор ҳал қилади. Моддий ресурслар махсус "Ишлаб чиқариш воситалари", истеъмол буюмларни эса махсус "Истеъмол товарлар ва хизматлар бозори" орқали эркин нархларда айирбошлаш амалга оширилади.

## ҚАНЧА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕРАК?

Бунинг учун ишлаб чиқараётган маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф даражасини, унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиб чиқмоқ зарур (жадвал).

Бу омиллар таъсирида талаб ва таклифнинг ҳажми ўзгариб туриши содир бўлади. Бу ўзгаришда асо-

сий масала:

- талаб ва товар нархининг;
- таклиф ва товар нархининг боғлиқлиги ҳисобланади. Чунки санаб ўтилган омиллар орасида нарх ва харид қобилияти талаб ва таклифнинг тез ўзгаришига олиб келади.

Талаб ва таклифга таъсир қилувчи омиллар	
Талаб ва унга таъсир қилувчи омиллар	Таклиф ва унга таъсир қилувчи омиллар
* Товар ва хизмат нархи. * Харидорлар диди. * Истеъмолчилар даромади. * Ўринбосар товар ва хизматлар нархи. * Харид қилувчилар сони. * Инфляция эҳтимоли.	* Товар ва хизматлар нархи. * Ресурслар нархи. * Ишлаб чиқариш технологияси. * Бошқа товарлар нархи. * Ишлаб чиқарувчилар сони. * Давлат фаолияти.

## Етарли даражада фойда нормасини олиш ёки олмаслигини билиш учун фирма энг аввал куйидагиларни чамалаб ўрганиши лозим:

эгасини пировард натижада фойданинг мутлақ суммаси ( $F$ ) эмас, балки фойда нормаси ( $FN$ ) - яъни унинг мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар суммасига бўлган нисбати қизиқтиради:

$$FN = \frac{F}{ICHX} * 100$$

Фойда нормаси фирманинг жорий сарф-харажатлари қанчалик самарали натижа берганлигини кўрсатади. Бу норма қанчалик юқори бўлса, фирма Нима ишлаб чиқаришни шунчалик тўғри танлаган бўлади. Шу билан бирга фирма ўз ихтиёридаги ресурслардан муқобил тарзда самарали фойдаланган бўлади.

- бозордаги истеъмолчиларнинг талаби;
- қанча маҳсулот сотилиши мумкинлиги;
- қайси регионда қанча сотилиши;
- йўлқирага қанча сарфланиши;
- сотиш харажатлари;
- мазкур маҳсулот бирлигининг таннари.

Ана шу ва бошқа ҳисоб-китобларни тўлиқ таҳлил қилиб чиққандан сўнг фирма Нима ишлаб чиқариш бўйича қарор қабул қилиши керак. Акс ҳолда фирма фойда ўрнига зарар кўриб қолиши ҳеч гап эмас.

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕРАК?

Фирма ўз маҳсулотини қандай қилиб ишлаб чиқариши керак, ресурслардан қандай фойдаланиш мақсада мувофиқ, хуллас, ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилиши лозим каби масалаларнинг ечими ўта муҳимдир.

Маълумки, ишлаб чиқариш ресурслари деганда:

- табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати (яъни, ер, фойдали қазилмалар, иқлим ва бошқалар);
- меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (яъни, ишчи кучи, малакаси, унумдорлиги ва бошқалар);
- асосий ишлаб чиқариш фондлари (капитал) миқдори ва таркиби, уларнинг самарадорлиги;
- технология ва унинг самарадорлиги (яъни, фан-техника тараққиёти даражаси, бошқарув самараси ва ҳ.к.)лар тушунилади.

У ёки бу мамлакатнинг ривожланиш даражаси айнан шу ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Масалан, табиий ресурслар салоҳияти юксак бўлган ва ундан самарали фойдаланган мамлакатлар (айтайлик, нефть экспорт қилувчи араб давлатлари) бой шароитда яшаши мумкин.

Нима учун ишлаб чиқариш масаласини ҳал қилишда илғор технологиянинг аҳамияти жуда катта? Чунки, технологик жараённинг такомиллашганлиги ишлаб чиқаришни таъминлайди. Чикитсиз технология натижа-сида асосий товар билан бирга жуда кўп қўшимча товарлар ишлаб чиқарилиши мумкин бўлади. Бу эса қўшимча фойда манбаидир.


(Давоми бор.)



Хукмдоримиз қандай яшайтилар? Анчадан буён улар билан мулоқотда бўла олмадик. Уларни, ёдингизда бўлса, Лазур денгизи ёқасидаги яшил Бартер оролида доно шоҳ Ойкос хузурида қолдирган эдик.


Пулларни нима қилиш кераклиги ҳақида ҳар хил тушунмовчиликлар пайдо бўлмаслиги учун, шоҳ Ойкос фармон берди. Жарчилар уни орол аҳолиси зич яшайдиган жойларда, марказий майдонларда ҳар уч соатда қайта-қайта ўқиб турдилар. Мана у.

ё битта болта учун нима айирбошлаш лозимлиги ҳақида бош қотирмайди, - дея хурсанд бўлар эди Қирол. Бундан буён товарга нарх қўйилса бас. Мисол учун, бир қоп дон 40 бумбик (айтмоқчи, оролдагилар пул бирликларини - бумбик деб атабди-



Сеҳргарнинг ҳиммати билан Ойкос орол аҳолисини товарни товарга айирбошлашдаги мушкулотларидан озод қилган ва пулни жорий қилиш режасини ишлаб чиққан эди.

Оролнинг энг моҳир устаси пул ясаш мумкин бўлган қоғоз намунасини яратиб, уни ўта махфий тутди. Бу қоғоз осонликча йиртилмас, сувда ивиб кетмас, шу билан бирга жуда чиройли эди. Бўёқчи эса қуёшда қуриб кетиб, ранги униқмайдиган, сувда ўчмайдиган, қоронғида кўринадиган махсус бўёқ яратди. Доно



хукмдор Ойкос ҳар бир банкнотга шахсий имзо ва муҳрини қўйиб чиқди. Бу сохта пул яратишнинг йўлини қирқадиган жуда ажойиб ҳимоя бўлди.

Пулни майдалашда орол аҳолисида яна янги муаммолар юзага келмаслиги учун шоҳ Ойкос бир, уч, беш, ўн сонли банкотларни (азиз болалар - сиз, албатта, "банкнот" сўзи - қоғоз пул деган маънони англатишини биласиз) жорий қилди.

Пул майдалаш ҳам қийинчилик туғдирмайдиган (худди ўзимизнинг сўммимиздек) бўлди. Бундан ташқари бу пуллар шунчалик энгил эдики, ҳатто ёш бола ҳам бир неча минг банкнотни бемалол кўтариб кета олар эди.

Келинг, ўзимизнинг пулимизга қараймиз. Улар қандай қилинган? Улар Бартер ороли пулларига қайси жиҳатлари билан ўхшайди?

Сўммимиз ҳам энг сифатли қоғоздан қилинган. Лекин биз кундалик турмушимизда ишлатадиган дафтар қоғозларидан фарқ қилади. Бизнинг пуллар, Бартер ороли пуллари ва умуман кўпгина бошқа давлат пуллари каби жуда энгил. Уни ҳатто кичкингина уканига, синглингиз, хиянингиз кўтариб, дўконга чиқиб келиши ҳам мумкин.

## ПУЛ НИМАЛАРГА ҚОДИР

(ИҚТИСОДИЙ ЭРТАК, 7-ҚИСМ)

**ФАРМОН**  
Бизнинг машҳур оролимизда бундан буён товарни товарга айирбошлашда келишмовчиликлар, қийинчиликлар, кўз ёши бўлмаслиги учун Бартер ороли аҳолисига буюраман

1. Товар ва хизмат ҳақи учун тўлов воситаси сифатида Бартер оролининг пул бирлиги - бумбикдан фойдаланилсин.

2. Товар айирбошлаш ва хизмат кўрсатишнинг пул воситасида амалга оширилиши - сотиш дейилсин.

3. Товар ёки хизматга алмашинилган пулингиз - харид қилиш дейилсин.

4. Савдога қўйиладиган товар ёки зарур нарсани сотиб олишда тўланадиган пул миқдори - нарх дейилсин.

Шоҳ Ойкос.

- Қандай яхши, - деди қувончи ичига сиғмасдан хукмдор Ойкос. - Энди Роза ҳеч қачон йиғламайди. У ажойиб гулларини, Блумми эса балиқларини бемалол сотаверади. Уларнинг эвазига олган пулларига эса ўғиллари учун истаган сумкаларини харид қилишлари мумкин. Нафақат сумка, балки бошқа нарсалар ҳам сотиб олиш имкониятига эга бўладилар. Энди менинг оролимда истиқомат қилувчи ҳар бир киши ўзига зарур нарсани ёки хизмат кўрсатишни амалга оширишда пулдан фойдаланиши мумкин.

- Жудаям яхши бўлди. Энди ҳеч ким вақтини кетказиб бир қоп унга қанча ўрдак алмашиш мумкинлигини,

лар) турса, ўрдак 10 бумбик. Шунча дон олиш учун қанча ўрдак сотиш кераклиги маълум бўлди-қўйди.

- Тўғри, оролимизда бир қоп донга 4 та ўрдак алмашилган эди, - деди Ойкос. Албатта, бунинг учун яна ўрдаклар ёғли ҳам бўлиши керак эди. Ундай бўлмаса яна бир ўрдак қўшар эдингиз.

- Демак, ёлғиз ўрдак ёғлисига қараганда анча арзон, мисол учун 8 бумбик туриши мумкин. Бу билан, яъни нарх орқали товар қиймати белгиланган, - деди Қирол.

- Тўғри, тўғри, - дея қиролича гапни маъқуллади. - Сезасизми, энди уй сотиб олиш учун сигир сотиб олиш, уни боқиш шарт эмас. Энди бир тасаввур қилинг-а, ўқитувчи, шифокор, сартарош ва шу каби маиший хизмат кўрсатувчиларга қанчалик энгил бўлганини. Хизмат кўрсатиб, ҳақини олиб, уни истаган пайт ишлатиш ёки жамғариш имконияти туғилди.

- Хурматли сеҳргар, - дея иқтисод сеҳргарига мурожаат қилди Ойкос. - Сиз бизнинг муаммомизни ҳал бўлишида ёрдам бериб, Бартер ороли аҳолисининг ҳаётини энгиллатдингиз. Сизга катта раҳмат!

- Сизларга ёрдамим текканидан бағоятда хурсандман. Болалар, қирол, қироличага иқтисод дарсини ўтишда ёрдам берганларингиз учун сизларга ҳам раҳмат, - деди сеҳргар.

- Ўтган галдаги иқтисод дарсида қирол ва қиролича қаерга бориб қолишди?

- Одамлари нарса айирбошлашни жуда яхши кўрадиган Бартер оролига бориб қолишди.


- Ҳар доим ҳам айирбошлаш осонлик билан амалга ошадими?

- Йўқ. Товар айирбошлаш ҳамиша ҳам қулай эмас. Бунга мисол қилиб, гулчи Роза ва денгизчи Блумми воқеасини эслаш kifоя.

- Биринчи пуллар қандай бўлган? Улар нима деб аталган?

- Биринчи пуллар - товар пуллар деб аталган.

Туз, дон, акула тишлари, сигирлар товар пул вазифасини ўтаган.



- Бу пуллар нимаси билан ноқулай эди?

- Улар ёмон бўлиб қолиши, кўп жой эгаллаши мумкин эди. Пулларни майдалаш ё қайтимини бериш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермас эди. Энг асосийси улар билан товар қийматини аниқ белгилаш имконияти бўлмас эди.

- Товар пуллар ўрнига нима жорий қилинди?

- Турли имкониятлардаги металл пуллар жорий қилинди.

- Уларни товар пуллардан афзаллиги нимада эди?


- Осон майдаланиши, сифатлилиги, яхши сақланиши ва б. билан...

- Камчилиги нимада эди? - Ўғирлаш осон эди. Саёҳатларга олиб чиқишда бирмунча ноқулай эди.

- Биз бугунги кунда қандай пул бирлигидан фойдаланамиз. Пулимизнинг тарихи, афзалликлари нимада?

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ЁЗИБ ЮБОРИНГ.

Русчадан М.МУРОДОВА таржимаси.  
Равшан ҚАМБАРОВ компьютерда ишлаган расмлар.





# ХОНАДОН

**Тенгдошингиз Зухрани** дугоналаридан фарқли томонлари нимада деб сўрасангиз, мен Зухра жуда озода, камтарин, самимий қиз деб жавоб берар эдим. Бу йил Зухра учун қувончли келди. У 9-синфни тамомлаб, 6 сонли касб-хунар коллежига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтибди. Хурсанд. Биз ҳам уни чин

кўнгилдан табрикладик. **Зухра** Хошимованинг яна бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, у ўз исми, Ҳасани билан бирга туғилган. У айни кунларда пойтахтимиздаги 196-ўрта мактабни 9-синфини тугатди. Сухбатимизни Зухрани табриклаганимиздан сўнг, ҳаётида янги бурилиш ясаган воқеа тафсилотини сўрашдан бошладик.

исм, ўз исми билан туғилганлар”, - дейишади. Исми-миз эгизаклигимиз алома-ти-да.

- Зухра, нега бу 6-сонли коллежга ҳужжат топширдигиз?

- Чунки бу ерда хунарли бўлиб чиқаман.

- Қайси мутахассисликни танладигиз? У ерда қайси касб эгалари бўлиб чиқиш мумкин экан?

- Мен уч йиллик ўқишим давомида тикувчи-бичувчи-тадбиркор бўлиб чиқаман. Умуман бу ерда талабалар бичиш-тикишдан ташқари пазандалик, турли уй-рўзгор буюмларини соловчи уста, ҳайдовчи каби ўнлаб касб-хунар сирларини ўрганар эканлар.

- Зухра, хабарим бор, яқин-яқин кунларгача “ҳамшира бўламан”, дер эдингиз. Лекин...

- Шифокорларни жуда ҳурмат қиламан. Оқ халат кийганларга ҳавасим келади. Лекин ҳавас бошқа, ҳаёт бошқа. Тўғриси, ҳазили билан айтганда “кўрқоклигим” устун келди. Уколдан жудаям кўрқаман. Тикишни эса яхши кўраман.

- Ўзингиз тикасизми ё энди ўрганмоқчимсиз?

- Ҳар бир қиз бола тикишни, уй тутиш, қозон-товок, ош-овқат сирларини онасидан ўрганади. Мен ҳам шундай. Лекин бичишни энди ўтганмоқчиман. Ўқиш жараёнида бичиқчи-модельер бўлиб чиқамиз.

- Зухра, суҳбатимиз қизларга келиб тақалди. Ўзбек қизларидаги қайси

## МАҲАЛЛАМИЗ ЗУҲРАСИ



фазилатларни қадрлайсиз?

- Хушмуомалада бўладиган, саранжом-саришта, ўзига ортиқча зеб бермайдиган, катталарнинг иззатини жойига қўядиган қизларни ҳурмат қиламан.

- Кўпчилик пойтахтликлар қатори сиз ҳам кўп қаватли уйда турасиз.

Кўпчилик истиқомат қиладиган жойда озодалик масаласи баъзида муаммо бўлиб қолади. Худди шунингдек, сиз яшайдиган жойда ҳам бу ҳолатни гоҳида кузатиб қоламиз. Шу билан бирга жуда кўп кузатдим. Ҳар икки-уч кунда зиналарни ювиб, йўлка, уй ат-

рофларини тартибга келтириб, ораста, файзли бўлиш ҳаракатида кўпинча кўлингизда челақ, супурги кўраман.

- Ўзи яшаб турган жойни тозалаб ўтириш ҳар бир қиз боланинг бурчи. Менга ойим бунини ёшлигимдан ўргатганлар.

- Зухра кўпчиликдан яна сизни ажралиб турадиган бир жиҳатингиз бор. У ҳам бўлса - Ҳасан-Зухра эгизаклигингиздир. Ҳамма сизларга ҳавас қилса керак-а?

- Ҳа, кўпчилик “вой Ҳасан-Зухралар” ёки “ана эгизаклар” деб гапиришганини кўп эшитганман.

- Эгизак эканлигингизларни ойишнингиз олдиндан билганлармикан?

- Ҳа, доя-шифокорлар олдиндан айтишган экан.

- Ким биринчи туғилган?

- Албатта, Ҳасан-да. Лекин катта бўлса ҳам барибир Ҳасан дейман. Чунки мендан атиги 15 дақиқалик катта холос. Ойимларнинг айтишларича эгизаклар ҳам икки хил бўлар экан. Бир вақтни ўзида туғиладиганлар ва олдинма-кетин, бир неча дақиқа танаффусдан кейин. Биз олдинма-кетин туғилганмиз.

- Исмингизни маъносини биласизми?

- Катталар - “Худо берган

- Ҳасанга ўхшаш жиҳатларингиз борми? У қандай бола?

- Ўхшаш жиҳатларимиз кўп. Характеримизда ҳам, ташқи кўринишимизда ҳам. Лекин ҳозир борган сари у қайсар бўлиб кетаяпти.

- Ҳасан қандай инсон бўлишни хоҳлайсиз?

- Олийжаноб... (кулади).

- Ҳасанни қиз боладан дўсти бўлишига қандай қарайсиз?

- Яхши қабул қиламан.

- Ҳасан мактабда ҳеч сизни ҳимоя қиладими?

- Унчалик эмас. Қайтанга мен уни юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб тураман.

- Уйдагилар Ҳасанга танбеҳ бериб, уришишса нима қиласиз?

- Ачинаман. Лекин ёнини олмайман.

- Айб иш қилса бекитасизми?

- Баъзан. Вазиятга қараб иш тутаман.

- Уни қайси одатлари ёқмайди?

- Қайсарлиги.

- Захро деб синглингизга ким исм қўйган?

- Эгизаклардан кейин Захро ё Тоҳир туғилади-да.

- Ҳасан ҳам коллежга кирдимиз?

- Ҳа, у уста бўлиб чиқади.

- Бунинг вақтингизда нима қиласиз?

- Уй юмушлари билан банд бўламан. Китоб ўқийман.

- Ҳозир қандай китоб ўқиясиз?

- Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”ини...

**Махлиё МИРСОАТОВА.**

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ЎҚУВЧИЛАРИ ХАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

**“ЎҚИТУВЧИ” НАШРИЁТИ**

**1998 ЎҚУВ ИЛИДАН БОШЛАБ**

ўрта мактабларнинг 2-11 синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни очик савдога чиқаради ва уларга чекланмаган миқдорда **БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!**  
25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳамёнингизга ҳам фойда!

**1998 — ОИЛЯ ЙИЛИ ЭКЯНИНИ УНУТМАНГИ!**

**МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:**  
700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, “Ўқитувчи” нашриётининг “Савдо-тижорат бўлими”  
Телефонлар: 144-22-92, 144-23-86.  
Факс: 144-26-89.



Сени қутлуғ 15 ёшинг билан табриклаймиз! Орзуларинг қанот қоқиб, бу жўшқин дунёда ўз муносиб ўрнингни топишда тилакдошимиз. Омад ва Бахт Юлдузинг ҳамшиша бошинг узра порлаб турсин.

**Ойинг ва даданг.**  
Зурлати Тўлқунор она ва Муаттар она!  
Мен Сизларни туғилган кунингиз билан табриклайман. Соғлик, бахт ва омад Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин. Қалбларингиз қувончга тўлиб, юрган йўлларингиз нурга тўлсин.  
**Нигора НАБИЕВА,**  
Тошкент шаҳридаги, 185-боғча тарбиячиси.





**Диққат: кўрик-танлов!**

**“ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси, “СОҒЛОМ БОЛА” жамияти, “БАХТЛИ КЕЛАЖАГИМИЗ” хайрия жамиятининг ташаббускор гуруҳи**

## КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда республикада жамиятнинг бошланғич негизи бўлмиш оила манфаатларини дастурий тадбирлар асосида кенг миқёсда рўёбга чиқариш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда. Бу ўринда ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, унинг маънавий, маърифий ҳамда маданий даражаси, замонавий экологик фикрлашнинг шаклланиши муҳим аҳамият касб этади.

**Иштирокчилар ёши бўйича фарқланиши:**  
9 ёшгача;  
10-14 ёш;  
15-16 ёшгача.

## МАЪЛУМОТ УЧУН МАНЗИЛЛАР:

- **“ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси** - 700000. Тошкент ш., А.Тўқай кўчаси, 1-уй.  
Телефон: 35-08-52  
**Хония АСИЛБЕКОВА.**
- **“СОҒЛОМ БОЛА”**  
Телефон: 66-02-76  
**Эльмира РАСУЛОВА.**
- **“БАХТЛИ КЕЛАЖАГИМИЗ”**  
Телефон: 133-67-55  
**Раим Фарҳодий.**
- **“Ёш иқтисодчи”** - Тошкент, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона.  
Телефон: 139-49-32  
**Музаффар ПИРМАТОВ.**

# „ОИЛА ВА ЭКОЛОГИЯ“



## БОЛАЛАР НИГОҲИДА

мавзусидаги болалар ижоди бўйича республика кўрик-танловини эълон қилади. Унда қуйидаги мавзулар бўйича асарлар, ишлар кўриб чиқилади: **“Оилавий анъаналар ва саломатлик”, “Менинг уйим”, “Бизнинг оилавий удумларимиз”, “Биз ва катталар”, “Озодалик - саломатлик гарови”, “Отам, онам, мен - ягона бир соғлом оила”, “Табиат ойнаси (табиатга йўл)”, “Остонамдан бошланур дунё”, “Оилада ким бош эколог”, “Йил давомида муттасил ҳосил”, “Чиқиндидан - фойда топиш”.**

## КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАЗМУНИ

Тадбирнинг асосий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. **Адабий ижод** - иншо, шеърлар, ҳикоялар, ҳажвийлар, бошқотирма (кроссворд)лар (машинкада 3 бетдан ошмаслиги лозим).
2. **Бадий-амалий ижод** - расмлар, плакатлар, ўйинчоқлар, тикилган нарсалар, моҳир қўллар томонидан табиий материаллардан тайёрланган асарлар. Иштирокчилар рангли бўрлар, бўёқлар, қаламлар ва бошқалардан фойдаланишлари мумкин. Расмлар қоғоз ёки картонда қуйидаги ҳажмда тақдим этилиши лозим: 60x45 см, 30x25 см.
3. **Видеолавҳалар.** Шарҳи 5 дақиқа атрофида чегараланган.
4. **Фотолавҳалар.** Ҳажми 15x24 см дан кам бўлмаслиги лозим.
5. **Ёш экологларнинг “Уйда тирик табиат бурчаги”** - хонаки гуллар, аквариумлар, уй ҳайвонлари, қушлар, уй олдидаги экин экиладиган жойдан олинган ҳосил ҳақида маълумот бериш.

Ҳар бир иш яхшилаб дид билан ўралган ва қуйидаги маълумотлар: исми, фамилияси, туғилган вақти (ой, йил), яшаш манзили, мактаби (боғчаси) тўлиқ кўрсатилган ҳолда “Экосан”нинг туман (шаҳар) бўлимларига ёки “Ёш иқтисодчи” таҳририятига тақдим этилади.

Ҳар бир йўналиш бўйича ғолибларни қимматли совғалар билан тақдирлаш кўзда тутилади.

**Ҳомийликни истовчилар таклиф қилинади!**

## КЎРИК-ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Танлов 3 босқичда, қуйидаги муҳлатларда ўтказилади:  
I. Туман ва шаҳарлар - 1998 йил 30 сентябргача  
II. Вилоятлар - 1998 йил 30 октябргача  
III. Республика - 1998 йил 5 декабргача.  
Мазкур кўрик-танлов “ЭКО-

САН” Халқаро жамғармаси раҳбарлиги остида “Соғлом бола” нодавлат ташкилоти ва “Бахтли келажагимиз” хайрия жамиятининг ташаббускор гуруҳи иштирокида ўтказилади ва кўрик-танлов Дирекцияси мазкур ташкилотлар негизида тузилади.  
Дирекция ҳомийлар ва грантларни жалб қилиш, тақдимот ва

реклама-ахборот тадбирлари, Ҳайъат таркибига таниқли маланият арбобларини таклиф қилиш ва кўрик-танловнинг республика босқичини ўтказишни йўлга қўяди.  
Қатнашчилар томонидан юборилган барча материаллардан келгусида қуйидаги тадбирларни ўтказишда фойдаланиш кўзда тутилади:

- “Болалар оила, экология ва саломатлик ҳақида” шоу-кўргазмаси;
  - Болалар ва ёшларга оид қатор телекўрсатувлар ва телефильмлар яратиш;
  - Материаллардан матбуотда фойдаланиш (тўплам, экологик тақвимлар, альбом, буклетлар нашр қилиш);
  - “Ёш иқтисодчи”да муаллиф сурати билан нашр этиш.
- Юборилган барча ишлар Дирек-

циянинг шахсий мулки ҳисобланади, нашр қилиш, сотиш ва муаллифларга қалам ҳақи бериш бўйича Дирекцияга ваколат берилади.

Кўрик-танлов “ЭКОСАН” Халқаро жамғармасининг жойлардаги бўлимлари орқали “КАМОЛОТ” жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Болалар ижодий марказлари ва бошқаларни таклиф қилган ҳолда ташкил этилади.

# ИШТИРОКЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА! ТАНЛОВ МАВЗУЛАРИ ҲАҚИДА:

### “ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ ВА САЛОМАТЛИК”

Ўзбек халқи тарихида соғлиқни сақлаш бўйича бир қанча анъана ва урф-одатлар мавжудки, улар асрлар давомида Марказий Осиё минтақаларидаги экологик билимлар асосида шаклланиб, мустаҳкамланган. Улардан кўпчилиги, замонавий янгиликлар ҳисобига қисқарган, чунки улар тараққиёт туфайли ҳар доим ҳам Шарқ халқлари ҳаётига маъқул келмаган. Сизнинг оилангизда қандай одатлар сақланиб қолган, соғлиқни сақлаш бўйича, масалан маҳаллий ўсимликларни истеъмол қилиш билан боғлиқ, авлоддан авлодга ўтиб келган кўникмалар борми ва ҳоказо.

### “МЕНИНГ УЙИМ”

Яшаш жойингиз, хонангиз, оила-аъзоларингиз, уларнинг машғулоти, қизиқишлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида маълумот.

### “БИЗНИНГ ОИЛАВИЙ УДУМЛАРИМИЗ”

Оилангизда меҳр билан сақланаётган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган, оилангиз асосий анъанасига айланган буюмлар ва ғоялар ҳақида.

### “ОТАМ, ОНАМ, МЕН - ЯГОНА БИР СОҒЛОМ ОИЛА”

Сизнинг оилангизда соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласига қандай муносабатда бўлишадиган, сиз қандай тадбирларда иштирок этасиз. Жисмоний тарбия, спорт мусобақаларига сизнинг муносабатингиз. Сиз севган спорт тури.

### “ОИЛАНГИЗДА КИМ БОШ ЭКОЛОГ”

Эколог бўлиш - бу демак, атроф-муҳитдаги барча ўзгаришларнинг сабаб ва оқибатларини тушуниш, шунингдек оилангиздаги, минтақангиздаги экологик ҳолатни яхшилаш ишларида фаол иштирок этиш. Шу муносабат билан сизнинг оилангизда нималар қилинади ва бу борада ким бош ташаббускор ҳамда ижрочи ҳисобланади.

### “БИЗ ВА КАТТАЛАР”

Ҳар бир авлодда жамият атрофидаги ўзгаришлар бўйича, давр руҳига боғлиқ қандайдир ўзгаришлар вужудга келади. Ҳаёт ҳақидаги аъсонавий тасаввурлар, турмуш, оилавий удумлар янги ғоялар билан тенглашадими. Зиддиятларнинг асоси нимада (агар у бўлса).

### “ЙИЛ ДАВОМИДА МУТТАСИЛ ҲОСИЛ”

Жонли табиатни севувчилар учун йил давомида иш топилади. Ҳатто қишда ҳам уйда ҳосил берувчи ўсимликларни уй шароитида ҳам ўстириш мумкин. Уйда боғдорчилик, гулчиликни йўлга қўйиш ва соғлом овқатланиш ҳақида сизнинг фикрингиз.

### “ОЗОДАЛИК - САЛОМАТЛИК ГАРОВИ”

Гигиеник малаканинг зарурлигини туғри тушунаётгани, ундан ҳар кун фойдаланасизми, охириги вақтда сизнинг оилангизда қандай янгиликлар содир бўлди.

### “ЧИҚИНДИДАН - ФОЙДА ТОПИШ”

Чиқиндисиз технология, уларни уй ҳўжалиги шароитида қўллаш ҳақида сизнинг фикрингиз. Сиз мазкур ғояни уй шароитида қандай татбиқ этасиз ва келгусида қандай лойиҳаларни амалга оширишни ният қиласиз.

### “ТАБИАТ ОЙНАСИ”

Сиз ўлкангиз табиати, осори-атиқалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида нималарни биласиз. Яшаш жойингиз яқинида қандай муҳим географик объектлар жойлашган. Сиз бун вақтингизда ҳордиқ чиқаришни истасан севимли табиат маскани (бурчаги) борми?

### “ОСТАНАМДАН БОШЛАНУР ДУНЁ”


Ҳаётдаги барча ҳодисалараро боғлиқлик ҳамда сайёрамиз тинчлигини сақлашда ҳар биримизнинг ўрнимиз. “Орол дарди - Олам дарди”. Минтақангиздаги экологик ҳолатни яхшилаш учун сиз нима қилишингиз мумкин.

**Шундай қилиб, кўрик-танлов бошланди! Сизлардан танлов мазмунида кўрсатилган турлар бўйича Танлов мавзуларини кутамиз. “Ёш иқтисодчи”.**



## ТАҚДИРНОМА

## ТАҚДИРИНГ - ҚЎЛИНГДА



(1-расм)

(2-расм)

Хаётда ҳеч бир нарса шунчаки яратилмаган. Ҳар бир нарсанинг ўз ўрни, моҳияти, вазифаси бор. Эҳтимол, биз ҳам англаб етмаган нарсаларимиз жонивору, паррандалар учун сир эмасдир. Теварак-атрофимиздаги довдарахт япроқларидаги томичалар-чи! Балки улар ҳам кафтимиздаги чизиқлардек ҳаёт давомийлигининг сирли калитидир. Балки...

Инсоннинг ўзи мўъжиза. Сиру-синоат. Аждоду-авлодлар кўзга кўринмас бир-бирига чамбарчас боғланган занжирлардек уланиб инсоният оламини мангулик сари етаклайверади. Умр сўқмоғида эса турли тақдирлар... Киши ҳамиша тақдирини олдиндан билишга қизиқади. Биласизми болалар, одам ўз тақдирини, қаранг-ки, кафтдаги тақдир чизиқлари орқали билиши ҳам мумкин экан. Бу соҳа билан, яъни тери ва кафтдаги чизиқларни тадқиқ этувчи фан - дерматоглифика билан фақатгина мутахассислар шуғулланадилар.

Дерматоглифика чақалокнинг она қорнидаги 13-ҳафтасидаёқ шаклланади ва бир умр ўзгармай қолади. Агар таъбир жоиз бўлса, инсон туғилмай туриб, унинг тақдири пайдо бўлади. Яна бунинг устига, қўлдаги тасвирлар тадқиқи инсонни фақат биологик мавжудот эмас, балки шахс сифатида ҳам кўриш имконини беради.

Янги туғилган чақалок уқангиз, синглингиз кафтчасидаги "сувратлар" унинг соғлиги ҳақидагина эмас, иқтидорининг белгилари тўғрисида ҳам ҳикоя қилади. Чунки, кафт ва бармоқлардаги белгилар оддий чизиқлар эмас. Қўлдаги тасвирларнинг бош мия электрэнцефлограммаси билан мос келиши бежиз эмас. Чақалок туғилиши билан, кафтига қараб, қайси ярим шар фаолияти устун эканлигини аниқлаш мумкин. Агар ўнг ярим шар фаолияти устун бўлса, фикрлаш ва бадиятга мойил: мусиқачи, артист, ёзувчи, мусаввир бўлиб етишади. Чап ярим шар чизиқларининг ёрқин ифодаланиши эса аниқ фанларга мойилликнинг шаклланишидан дарак беради. Айтиб ўтиш керак, ўнг ярим шари устун бўлган болалар мактабда

анча қийинчиликларга дуч келишини ота-оналар ва муаллимлар ҳисобга олиб қўйишлари зарур. Чунки улар ўзига хос фикрлаш ва ҳатто тилга эга бўлишади. Мактаб эса бундайларни "макруҳ" қилиб, умумий қозонга солиб қўйиши мумкин.

Қўлдаги "ёзувлар" инсоннинг бу дунёга нечоғли мослашганини аниқлаш имконини туғдиради. Ундан фойдаланиб, ҳар бир киши ўзига хос тиббий, педагогик, ижтимоий ёндашувларни танлаб олиши мумкин. Худди шунинг ўзи инсониятни бу дунёда комилликка эришуви йўлидир.

Хуллас, азиз болажонлар атрофга боқинг. Агар аҳамият берсангиз сизни ўраб турган тирикликнинг ўзи кўп нарсаларни ўртади. Сиз ҳам ер фарзанди. Шундай экан қалбан эшита олинг, кўра олинг. Эҳтимол кафтингиздаги тақдир чизиқлари сизга улкан муваффақиятларни ваъда қилар. Қўлингизга боқинг. Такрор ва такрор.

Кафтингиз чизиқларини ўрганишдан аввал қўлингиз тузилишига эътибор беринг: **қўл узун, калта, юмшоқ, қаттиқ, йўғон, ингичка** бўлиши мумкин.

**Калта қўл** бирор нарсага нисбатан асоссиз хулоса чиқариш, тор фикрлаш белгисидир.

**Эгилувчан, силлиқ қўл** таъсирчанлик, ҳасослик, ёрқин истейдод, мушоҳадага берилувчанлик белгисидир.

**Қаттиқ ва дағал қўл** меҳнатсеварлик, серғайратликка ишоради.

**Юмшоқ, нимжонгина қўл** лапашанг, дангаса, ишга укувсизлик белгисидир.

**Узун, чиройли қўл** тартиб-интизомга қатъий риоя қилувчи, муваффақият келтириши мумкин бўлган ишончли кишиларда учрайди.

Энди бармоқларингизга эътибор беринг. Хиромантларнинг тажрибаларига кўра, бармоқлар ўткир кучли, квадратсимон, белкураксимон бўлади.

**Ўткир учли бармоқ** эгалари шоиртабиат ва ҳис-туйғуга бой бўладилар. Уларга фақат оддийлик, эҳтиёткорлик каби ҳислатлар етишмайди. Агарда бармоқ учи ниҳоятда ўткир бўлса, бу ёлғон ёки гапни бўрттириб гапиришга нишондир. Худди шу турдаги бармоқлар ёғ билан қопланган - йўғон бўлса, бу ҳис-туйғулардан лаззатланиш, шунингдек, яхши яшашга интилиш белгисидир. Бундай кишилар ҳасис ва худбин бўладилар.

**Квадратсимон бармоқлар** энг аъло тур ҳисобланиб, меҳрибонлик,

оддийлик, камтарлик, ўз масъулиятини ҳис қилиш ва уни виждонан бажариш, ишда аниқлик, ўз ҳуқуқни ҳимоя қила олиш, атрофдагиларга чин дилдан муносабатда бўлиш каби ажойиб ҳислатларни ўз ичига қамраб олади. Квадратсимон бармоқ соҳибларидан барчанинг ўзидай бўлишини талаб қиладиган қаттиққўл раҳбарлар чиқади. Улар назаридан майда-чуйда нарсалар ҳам четда қолмайди.

**Энди белкураксимон бармоқларни** қараб чиқамиз. Агарда қўл юмшоқ бўлса, бу тасаввурга берилиш, иккиланган яшаш белгисидир. Бу турдаги одамларнинг овга, дарё бўйларида сайр қилишга, сузишга иштиёқи баланд бўлади.

Бармоқлар сайёра (планета)лар таъсирида бўлади. Кафтбинлар беш бармоқ ва кафтнинг икки қисмига етти сайёра номларини беришган ҳамда 7 хил шакл билан белгилаб чиқишган (1-расм). Эътибор беринг, етти хил шакл жойлашган бармоқ ва кафт асослари бўртиғлар, дўнғчалар дейилади. Кафтбинларнинг тажрибаларига кўра, ушбу шакллар агар ҳар бир бўртиғда намоён бўларкан ҳамда уларнинг инсон тақдирига таъсири бор экан.

**Муштарий бўртиқ** (2-расм) баланд бўлса, бу масъулиятни ҳис қилиш, ўзига ишонч, бахтли никоҳ, инсонда севги ва дўстликнинг узилмас торлари мавжудлиги белгисидир.

**Зухал бўртиғи** баланд бўлса, бу эҳтиёткорлик, ақл-заковат, мақсадга интилиш, тушкун ўй-хаёлларга ишоради.

**Шамс бўртиғи** билимдонлик, шон-шухрат, санъатга қизиқувчанлик, гўзаллик рамзидир. Бундай бўртиғ эгалари шоир ва донишманд бўладилар. Шамс - ишонч ва садок бармоғидир.

**Ўторуд бўртиғи** фанга, савдо-сотик билан шуғулланишга мойиллик белгиси сифатида хизмат қиладди.

**Миррих бўртиғи** кураш, мардлик, эпчиликка ишоради. Миррих (Марс) - уруш худосидир.

Расмда кўрсатилган яхши ривожланган **Камар бўртиғи** орзу-ҳавасга берилувчан, танҳо яшашни хуш кўрувчи, мусиқани севувчи кишиларда кўп учрайди.

Баланд ривожланган **Зухра бўртиғи** юксак севги эгаларида учрайди. Улар доимо гўзалликка, мусиқага, рақс санъатига интиладилар ҳамда жуда меҳрибон ва нозик бўладилар.

Бармоқларингизни шу тарзда қисқача таҳлил қилгач, тирноқларингизга эътибор беринг. Тирноқларнинг куйидаги турлари мавжуд: **калта тирноқ** - кишини шоширадиган, ҳаяжонлантирадиган, ҳақиқатни севувчи инсонларда учрайди; **ҳажми катта, айлана тирноқ** эгалари илмга жуда берилган, дунёқараши кенг, яхши фикрловчи бўладилар; **ҳажми кичик тирноқлар** - мағрурлик, дангасалик, дунёқарашнинг торлиги, иккиюзламачилик белгисидир; **узун ва силлиқ тирноқлар** журъатсиз ва беқарор кишиларда учрайди; **ёнғоқ шаклидаги тирноқлар** эса нозик дид, латофат тимсолидир.

Агарда тирноқларингиз ранги **қизил бўлса**, бу қизиқонлик, серғайратлик, илмий иш билан шуғулланишга мойиллик, соғломлик, шунингдек зийраклик ва айёрлик белгисидир.

Агарда тирноқларингиз **оқил бўлса**, бу камқонлик, сезувчанлик ва қалинроқ бўлса, баланд иштаҳа ҳамда хуштаъм таомларни кўп истеъмол қилиш белгиси сифатида хизмат қилади.



Бундан неча минг йиллар муқаддам мунажжимлар Куюшни, Ойни ва юлдузларни ўрганиш учун Миср эҳромларидан, минора ва ибодатхоналардан фойдаланган бўлса ажаб эмас. Албатта, у вақтлар одамлар телескоп нималигини билишмаган. Вақт ўтиши билан астрономик асбоблар яратилди, асбобларнинг ўлчами ва миқдори ортиб боргани сайин уларни жойлаштириш учун расадхоналар қурила бошлади. Баъзи расадхоналар қурилганига минг йилдан ошиқроқ вақт бўлди.

Авалло, расадхона қуриладиган жойни тўғри танлаш лозим эди. У ерда об-ҳаво шароитлари қулай, температура мўътадил; қуёшли ва бўлутсиз кунлар кўп, туман, ёмғир ва қор имкон қадар кам бўлиши талаб этилар эди. Бу жой осмонни кучли ёритадиган ва кузатиш ишларига ҳалал берадиган шаҳар чироқлари ва неон рекламаларидан узоқроқ бўлиши даркор.

Телескоплар билан бир қаторда уй-жойи ҳам бор бинолар мавжуд. Бундай биноларда асбоблар пўлат ва бетон конструкциясига ўрнатилади. Телескоп ўрнатиладиган бино икки қисмдан иборат бўлади. Унинг қуйи қисми ҳаракатсиз, юқори қис-


## РАСАДХОНА НИМА?

ми - томи эса айланиши мумкин бўлган гумбаз шаклида бўлади. Гумбазнинг телескоп осмонга қарashi мумкин бўлган "тирқиши" бўлади. Гумбаз айлангани сабабли бу тирқиш осмоннинг исталган йўналиши томон очилиши мумкин. Гумбаз ҳам, телескоп ҳам электромотор ёрдамида ҳаракат қилади. Замонавий лабораторияларда мунажжим телескопни айлантириши учун бир неча тугмачани босиши кифоя.

Албатта, мунажжим доимо юлдузларни кузатиб туриши учун окуляр

(оптик асбобнинг кўзга тутиб қараладиган томондаги шишаси) ёнида бўлиши, боз устига, ўша ерга фотоаппарат ўрнатилган бўлиши лозим. Шунинг учун айрим расадхоналарда пол баландга кўтарилади ёки пастга туширилади, баъзи ҳолларда эса у ерга созланадиган платформа ўрнатилади.

Мунажжимлар осмонни фақат кўз билангина кузатмайди. Уларда телескопга тиркаладиган фотоаппарат, спектроскоп, спектрограф ва спектрогелиограф сингари кўплаб мураккаб асбоблар ва мосламалар ҳам бор. Бу асбоблар уларни муҳим маълумотлар билан таъминлайди.



Апельсин - пўртахолнинг ватани қаер эканини ҳеч ким билмайди. Гарчи, у айни пайтда дунёнинг иқлими иссиқ барча мамлакатларида ўстирилса ҳам, яқин-яқинларгача унчалик кенг тарқалмаган эди.

Гарчи юнонлар ва римликлар пўртахолни билишган бўлса ҳам, у Ҳиндистондан Фарбий Осиёга, сўнгра Европага олиб келинган бўлса ажаб эмас. Испан мустамлакачилари 1565 йилда илк аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлиши биланоқ нордон пўртахолни Вест-Индияга, ундан Флоридага олиб келишди.

Пўртахолнинг учта энг муҳим тури бор. Улар ширин ёки оддий пўртахол,

мандарин ва нордон пўртахоллардан иборат. Аммо ширин ва мандарин пўртахолнинг 97 тагача тури бор.


Пўртахолнинг ҳар хил турлари дунёнинг турли минтақаларида ўстирилади. Масалан, Калифорния ва Аризона штатла-

рида ширин пўртахолнинг Вашингтон Нейвл ва Валенсия навлари етиштирилади. Флоридада ширин пўртахолнинг Гамлин, Ананас, Парсон Браун, Гомасас ва Валенсия, Техасда эса Валенсия ва Гамлин навлари ўстирилади.

Пўртахолнинг "қонли" деб аталадиган қизиқ бир нави ҳам мавжуд, эти тўқ қизил рангда бўлади. У Ўрта Ер денгизи Флоридада ўстирилади. Пўсти юпқа ва унча зич бўлмаган пўртахол нави - темпл мандарин ва ширин пўртахолнинг дурагайдидир.


Нордон пўртахол ҳамма жойда бирдай етиштирилади, аммо унинг асосий қисмини Испания етиштиради. Бу пўртахолдан мармелад тайёрлашда фойдаланилади, чунки у нордон ва тахир бўлгани учун мева сифатида истеъмол қилиб бўлмайди. Аммо у доридармонлар тайёрлашдан тортиб, упа-атир ишлаб чиқаришгача бўлган кенг микёсда ишлатилади.

## АПЕЛЬСИННИНГ



**ҚАНЧА ТУРИ БОР?**

## ХҲРОЗЛАР НЕГА ЖАНГАРИ БЎЛАДИ?



жуфтлашиш даври келганда ўзларини ана шундай тутадилар.

Масалан, буго шохлари билан урғочисига кучини намойиш этади. Бундай шохни кўрган бошқа урғочи буғулар бекинишни ва аралашмасликни афзал биладилар. Тўғри, кучни бу тарика намойиш этишдан сўнг олишув бошланади. Буғулар қутуриб урушгани билан бир-бирларига айрим ҳоллардагина жароҳат етказилар.

Маълумки, хўрозлар жангари табиати билан макиёнлардан ажралиб туради. Бу сифат уларнинг барча рақибларини доғда қолдириб, макиённи ўзига жалб этиши учун зарур.

Жуда кўп ҳайвонлар баҳор пайти,

Денгиз чайкалари буғулардан фарқли ўлароқ жазавага тушиб курашадилар, ҳатто патлари юлиниб кетади.

Хўрозлар бундан ҳам жангарироқдир. Агар босқинчи огоҳлантириш

қичқиригидан сўнг орқасига қайтмаса, дарров кескин уруш бошланади. Жанг улардан бирининг ғалабаси билан тугагунча давом этади.

Макиёнлар жангни кузатиб турадилар ва голибни танлайдилар.

Одам товукларни парваришлагша киришганда, уларнинг табиий ҳаёти бузилган эди, чунки одам улардан йил бўйи тухум олишни кўзлаган эди. Шунга мувофиқ равишда хўрозларнинг ҳам хулқи ўзгарди. Шунинг учун ҳам хўроз қанотлилар орасида энг жангари деб ном олган.

Одам хўрозларнинг бу хусусиятидан ўз мақсадлари бўйича фойдаланади ва хўрозларни уриштиради. Бундай мусобақалар Осиё китъасидаги мамлакатларда кенг оммалашган. Шу мақсадда урушқоқ хўроз ва товукларнинг янги наслини яратишган. Улар чидамлилиги билан ажралиб туради ва узун пихларга эга.

Хўрозлар жанги жуда шафқатсиздир. Томошабинлар завқини ошириш учун хўрозларнинг тирноғига жуда ўткир тиглар боғлаб қўйишади. Улар душманларини оғир тилиб ташлаши мумкин. Шунинг учун ҳам айрим мамлакатларда хўрозларни уриштириш тақиқланган.

Гирдоб ва торнадо бир-бирига жуда ўхшаш. Гирдобни "денгиздаги торнадо" деб ҳам аташ мумкин. Аввал торнадонинг ўзи нима эканини билиб олайлик.

Торнадо - ҳақиқий айланма кўринишдаги штормдир. У момақалдирак гумбурлаётган ҳудудда қора суйри (воронкасимон) булут кўринишида пайдо бўлади. Суйри булут пайдо бўлишига сабаб ҳавонинг совуши ҳисобига намнинг йиғилиши қолишидир. Булут ҳавоси совиган бутун ҳудудда ҳосил бўлади.

Торнадо соат мили бўйлаб ёки унга тескари айланиши мумкин. Торнадонинг Ерга тегиб турган қисми кенглиги ўртача 175-365 метр бўлади ва у бир неча километрдан тортиб 80 км.гача бўлган масофани босиб ўта олади.

Гирдоб (торнадо) ичида айланётган ҳавонинг тезлиги соатига 500 км.га етиши мумкин. Торнадо Ерга тегадиган жойларда кучли талофат юз беради. Масалан, у уйларни ер билан яксон қилиши ёки бир неча юз метрга кўтариб олиб бориб ташлаши мумкин.

Торнадо ("гирдоб" ёки "циклон" номлари ҳам бор) йилнинг исталган фаслида содир бўлиши мумкин, аммо баҳор ва ёз ойларида бошқа вақтдагига нисбатан беш марта кўп рўй беради. Улар, одатда, кундузи кўзғалади.

Баъзи ҳолларда, гирдоб қуруқликда кўзғалгач, сувликка кўчган оддий торнадо бўлиши ҳам мумкин. Аммо кўп тарқалган гирдоблар тропиклардаги денгизлар ва кўллар устида ёки йилнинг илиқ пайтлари ўрта кенгликларда пайдо бўлади. Улар тўғридан-тўғри сув устида кўзғалади, суйри булутлар эса ёмғир булутлари ва тўда булутлардан ҳосил бўлади.

Суйри (воронка)нинг қуйси қисми, сув юзасига яқинлаша бориб, дастлаб сувнинг устки қисмини айлантиради, натижада сув зарралари булутли ҳосил бўлади. Суйри булут дастлаб сув булутли ичига тушади, сўнгра сув гирдобини баландга тарта бошлайди. Гирдобнинг асосий қисмини ташкил қиладиган сув ёмғир сувларидан таркиб топгани учун ҳам доимо тоза бўлади.


Гирдоб, одатда, бир неча дақиқа давом этади ва чегараланган ергагина таъсир кўрсатади. Гирдобларнинг аксарияти ҳаво температураси баланд бўлган ва момақалдирак гумбурлаётган совуқ сувлар устида кўзғалади.





**N ҲАРФИ ШАКЛИДАГИ  
ЛАБИРИНТ**


Бир йўлакдаги олтала нуқталарни ўзаро туташтириб, лабиринт бўйлаб юринг. Битта йўлак ёки чорраҳадан фақат бир марта ўтинг. Йўлнинг боши ҳам, охири ҳам боши берк жойда.



**КВАДРАТ МАЙДОНЧАЛАР**


Мазкур бошқотирмадаги сиз босиб ўтдиган ҳар бир квадрат майдонча сизга навбатдаги юриш йўлингизни ўзи кўрсатади. Истаган майдончангиздан бўйига ёки энига юришингиз мумкин, лекин йўналиш бўйича ҳаракат қилинг. Масалан, сизнинг биринчи қадамингиз вертикал бўйича жойлашган 4 та квадратларнинг биридан пастга қараб юрилади.

Бу лабиринтдан чиқиб кетишга ҳаракат қилиб кўринг.




**СУВ ДАРВОЗАЛАРИ**

Суратдаги сув йўлида ҳамма вентиляр (тўғонлар десак ҳам бўлаверади) бекитиб қўйилган. Сув кўрсатилган йўналиш бўйлаб оқиб ўтиши зарур. Жуда оз сонли тўғонни очингки, сув белгиланган жойдан оқиб турсин.




**ДАЙДИ ЎҚ**

Бир юлдузчадан иккинчи юлдузчага томон шундай йўл топиб борингки, бунда ўқ учиб ўтган барча 25 босқич бўйлаб юрган бўлинг. Бир марта юрган йўлакдан 2-марта юрманг.



**ДАРАХТЗОРНИ СОТИШ**


Сизнинг 25 та дарахтзорингиз бор. Ундан 24 тасини 4 та ёғочсозлик корхонасига сотмоқчисиз. Ҳар бир корхонага 6 тадан майдончадаги дарахтларни бериш учун дарахти бор 24 та майдонни қандай тақсимлаш керак? Бунда корхоналарнинг ҳар бирига тегишли дарахтлар сони бир хил бўлсин.








**ЎРАМ ИЧИДА САЁҲАТ**

Ушбу лабиринтдаги 1-нуқтадан йўлаклар бўйлаб тартиб билан (1 2 3 4 ва ҳ.) юринг ва рақамларни ўзаро туташтиринг. Сўнг орқага қайтинг. Бир чорраҳадан уч марта ўтишингиз ҳам мумкин, лекин ўз юрган йўлингизни зинҳор кесиб ўтманг.

**62-63 СОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН  
ТОПШИРИҚЛАР ЖАВОБЛАРИ**



Агар сиз 32 кг лик тошни олиб ташласангиз, ҳар бир тарози тошлар йиғиндиси 103 кг га тенг бўлади.



“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА  
МАКТУБЛАРИНГИЗНИ  
ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
ЎБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик майдони,  
2-уй, 402-хона  
(Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон:  
(371) 139-49-32, 139-16-19.  
Факс: (371) 139-48-23.

## СЎЗ — ҚАШҚАДАРЁЛИК ТЕНГДОШЛАРИНГИЗГА

### ЎЗ СИНФИМДА ЎҚИСАМ ЭДИ

Таътил ҳам тугаб боргани сари менда бироз чучиш пайдо буляпти. Сиз уйламанг тагин, уқишни яхши курмас экан, деб. Йук, асло. Мактабимни, синфдош дустларимни, уқитувчим Саласва Зинаида Эркеевнани жуда-жуда соғиндим. Бироқ сентябрда дугоналарим билан яна уша мактабимга бориш насиб этмас экан. Сабаби, бизнинг оиламиз Тольятти шаҳрига кучиб кетаяпти. Мени эса сира-сира кетгим йук. Синфдош дугоналарим Мафтуна Ибодулласева, Азиза Толиповаларни бир кун курмасам ниманидир йуқотиб қуйганга ухшаб қоламан. Билмадим, уларсиз узга шаҳарда қандай уқийман.

Таътилнинг биринчи ойда онам мени Тольяттига

олиб бордилар. У ерда мен тенги Кристина, Люба деган булажак қушни қизлар билан таништирдилар. Улар билан тезда тил топишдим. Лекин, барибир Мафтуна ва Азизаларга ухшатолмадим.

Эҳ, қанийди, сентябрда ҳам уз мактабим, уз синфимда уқисам эди.

**Ильза МАВЛЮТОВА,  
Китоб шахридаги Зулфия  
номли 2-мактаб  
ўқувчиси.**

### ОЙИМНИНГ ОЁҚ-ҚЎЛИМАН

Биз ойим билан бирга катта ҳовлида яшаймиз. Ҳовлининг тепа томонида ойим мен билан, пастки ҳовлида эса акаларим, онам, дадам яшашади. Аммо тушлик, кечки овқат маҳалида ҳаммамиз биргаликда жамулжам булаемиз.

Мен кеча-ю кундуз ойимнинг ёнидаман. Улар доим «ме-

нинг оёқ-қулимсан» деб эркалайдилар. Сабаби, ойижонимнинг энгил юмушларини жонидилим билан бажараман. Сув ташиб келтираман, уйни йиғиштираман, ҳовлиларни супуриб, сув сепаман.

Ойим эса кечкурунлари эртаклар, ривоятлар айтиб берадилар.

Баъзи болалар оромгоҳларда дам олади. Аммо мен учун дам оладиган энг яхши жой бу — ойимнинг уйлари. Ахир газетада ҳам ёзилганди-ку «Қишлоқ узи оромгоҳ» деб. Ҳовлимиздан қишлоғимизнинг катта оқ сув ариги оқиб утади. Мана шу таътилда акаларим 7-синфдаги Озод ҳамда 5-синфдаги Дониёр ёрдамида сузишни ҳам урганиб олдим. Буни куриб ойим жуда хурсанд булдилар. Чунки ҳар бир бола сузишни албатта билиши керак, дейдилар.

Уқиш бошланганида эса ойим билан бирга дарс

тайёрлайман. Билмаганларимни сурайман, билганларимни уларга гапириб бераман. Хуллас, шу укув йилида фақат беш баҳога уқишга ойижонимга сўз бердим. Ишқилиб, бахтимга ҳамиша соғ-саломат булсалар булгани.

**Элёр Зиёдуллаев,  
Сариосиё қишлоғи,  
81-мактаб ўқувчиси.**

### ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАДИМ

Мен татар фарзандиман. Аммо узбекчани узбек болаларидан кам билмайман. Дустларим ҳам асосан узбек болалари.

Уч йилдан бери Шаҳрисабз шаҳридаги укувчилар саройи қошидаги ҳайкалтарошлик тугарагига қатнашаман. Устозим Адолат Исоқова ёрдамида кўпгина ҳайкалтарошлик ишларини бажариб келаяпман. Ҳатто бизнинг ишларимиз Республика слётларида



ҳам иштирок этиб юқори баҳоланган.

Мана шу таътил давомида тугаракка қатнаб, янада тажрибамни оширишга ҳаракат қилдим.

Мустақиллигимизнинг етти йиллигига мен ҳам уз совғамни тайёрлаб қуйдим. «Она ва бола» деб номланган ҳайкалини яратдим. Худо насиб қилса бу ишмни сентябрнинг биринчи куниеқ мактабимиз музейига топшираман.

**Радик АМИРОВ,  
Шаҳрисабз  
туманидаги, 6-  
мактабнинг  
9-«Б» синф ўқувчиси.**

### Соғ юрак — тоғ юрак

## «ЗИЛОЛА» ДАНМИЗ

Тошкентдаги «Сувсоз» трестига қарашли «Зилола» соғломлаштириш оромгоҳида ҳар мавсумда 300 дан ортиқ болалар уз таътилларини мароқли утказишади. «Моҳир қўллар», «Юмшоқ уйинчоқлар», рақс, қушиқ каби тугаракларда, спортнинг шахмат, шашка, футбол, волейбол, стол тенниси, сузиш буйича утказилган мусобақаларда болалар чин инсон булиб шакл топадилар. Чунки, беллашувлар билимдонликларини оширади-да! Яқинда стол тенниси буйича гуруҳлараро утказилган мусобақада «Юлдуз» гуруҳининг аъзоси, 18-мактаб ўқувчиси Хусан Маннопов голиб деб топилди.

— Қушни оромгоҳ болалари билан беллашиб, буш

келмаяпмиз, — дейишди «Зилола»да дам олаётган Ситора Алимова, Барно Тургунова, Назокат Қодирова каби қизлар. — Чунки биз «Зилола»данмиз!

**Сураткаш: Равиль  
АЛЬБЕКОВ.**



### Жамоатчи муҳбиримиз Латифжон МАНСУРОВ хабар қилади:

#### ЭНГ КЎП УҚИЙДИГАН ОИЛА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллиги байрами муносабати билан мамлакатимизда турли кечалар, тадбирлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор марказий кутубхонасида булиб утди. «Энг кўп уқийдиган оила» деб номланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳамда туман марказий кутубхонаси ходим-

лари ташаббуси билан утказилди.

Тадбирга Янгибозор қўрғонида истиқомат қилувчи энг кўп уқийдиган Юзикайфлар оиласи таклиф этилди. Қизиқарли ва мазмунли утган тадбирда Лензия опа ва Шамил ака ҳамда уларнинг фарзандлари Лиля, Асия, Фарҳод Юзикайфлар сузга чиқишиб узбек адабиётининг атоқли намоёндалари Пиримқул Қодиров, Вали Ғафуров, Носир Фозилов, Уткир Хошимов, Малик Раҳмонов ва бошқа кўп-кўп

ёзувчи ва шоирлар асарларини зўр қизиқиш билан уқиб бораётганликлари, уларнинг асарларидан эса мамнун эканликларини таъкидлашди.

Кутубхона ходимлари томонидан узбек ёзувчи ва шоирларининг янги чоп этилаётган асарлари курғазмаси ҳақида туман марказий кутубхонасининг хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Галина Ильясова ва кутубхона услубиётчиси Татьяна Кимлар йиғилганларга батафсил тушунча беришди.

Тадбир сунггида эса қизиқарли савол-жавоблар булиб утди.

#### ОТА-ОНАЛАР КЎМАГИ

Шу кунларда ҳамма жойда булгани каби Юқори Чирчиқ туманидаги 41 та мактабларда ҳам янги укув йилига тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Айниқса бу борада тумандаги Тошгўздор қишлоғида жойлашган 28-урта мактаб жамоасининг олиб бораётган ишлари мақтовга лойиқдир. Шу кунларда мактаб тўла таъмирдан чиқарилди. Мактабнинг 17 та синф хонаси янги укув йилига тахт қилиб қўйилди.

Таъмирлаш ишларида мактаб директори М. Қурбонов, уқитувчи ва техник хизматчиларидан Д. Турабекова, А. Аҳмедов, М. Сакенбоевларнинг хизматлари катта булди. Зиё масканидаги бу ишларда ота-оналар ҳам уз улушларини қушишди. Айниқса ота-оналардан Б. Холтоев, М. Усеровлар мактаб жамоасига катта ёрдам кўрсатишди.


Таъмирлаш ишлари тумандаги бошқа мактабларда ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

#### ҲАММА НАРСА ТАХТ

Уқувчиларнинг ёзги таътили тугашига ҳам санокли кунлар қолди. Шу муносабат билан туман таълим муассаларида янги укув йили мавсумига тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Буборада айниқса Кавардон қишлоғидаги 3-урта мактаб уқитувчи ва уқувчилари томонидан амалга оширилаётган ишлар мақтовга лойиқдир. Мактабнинг барча синф хоналари таъмирланиб, укув йилига тахт қилиб қўйилди.

Таъмирлаш ишларида мактаб директори Ақромхужа Умархужаев, устоз уқитувчилардан Машруба Мираҳмедова, Мукаррам Мадиев, Абдуқоюм Мирсалманов, Нурмаҳаммад Рузматовларнинг хизматлари катта булди.



«Санъат саройи» ҳовлиси байрам тусини олган. Боболари, момолари, ота-она, ака-опалари ҳамроҳлигида байрамона кийинган болакайлар карнай ва сурнай садолари остида залга киришмоқда. Уларни эшик олдида Карлос амаки, Насриддин афанди, ойнаи жаҳон орқали кадрдон бўлиб қолган эртақчи бувилар кутиб олишар экан, ҳаммаларига ПАТБОМ ва БОМБИБОМ сақич улашмоқда.

— Бу сақични чайнасангиз тишингиз бақувват бўлади, ичиш, чекиш каби зарарли иллатлардан ўзингизга иммунитет ҳосил қилиб, умр давомига уларни кўрмасам, мазасини тотмасам, дейсиз.

**Энг асосийси** — соғлигингизнинг заиф томонлари куч олади, қувват олади, — дейишади улар жарангдор овозда.

Ҳа, бу ижодкорлар нафақат болаларга шу кун сақич улашдилар, балки хушқайфият, гузал ҳордиққа қушиб қугирчоқ, велосипед, ҳатто телевизор ҳам бердилар! «Оқшом эртақлари»да давом этаётган «Бомбимом» уйини тарқатган «Таклифнома»ларда номлари,

## ОҚШОМДАГИ «ОҚШОМ ЭРТАҚЛАРИ»

уйин рақамлари ёзилган иштирокчилар совга олиш баҳонасида узларининг ҳаётлари, яшаш тарзини намойиш этдилар. УзТВ ижодкорлари ҳам, тантана иштирокчилари ҳам, биз — «Тонг юлдузи» ходимлари ҳам шу кун бир нарсага амин буддик: **Бахтиёрлик, фаровонлик — болаларнинг қувончиди!** Бу қувонччи уларга уйинчоқлар, велосипеду телевизор тимсолида улашиш айрим тadbиркорлар, ишбилармонлар учун ҳеч гап эмас аслида. Аммо бунинг улдасидан чиқиб, ишхонасига, оиласи, келгуси ҳаётига ҳайру саховат, ҳидоят нурларини еғдириш йулини ҳамма бирдек билвермайди....

Шу кунги қувонч, шу кунги гузаллик сабаб газетамиз ижодкорлари болаларвар ишбилармонларга, тadbиркор мулк эгаларига мурожаат қилади: **Ҳаммамиз келажакимиз учун, болаларимизнинг бардам бақувват, энг асосийси ўз сўзига, ўз кучига ишонувчан қилиб тарбиялаш**

учун интиляпмиз. Шундай экан жажжиларимиз ўз кучи, ўз ақли фаросати билан СИЗнинг арзимас совғангиз илинжида СИЗ берган топшимоқларни топса ва ўз меҳнати билан совга эгаси бўлса, қандай яхши! Бундан болакай бир қувонса, болани фикрлашга ундаган Сизга ўша совғаларингиз сабаб, битмас туганмас ҳамду санолар узоқ йиллар ёғилиб тураверади.

**« О қ ш о м э р т а қ л а р и »** нинг оқшомини ташкиллаган гуруҳ раҳбариятининг катта меҳнатига, «оқшом»чилар баҳона болалар кўнглини олиб ю ту қ л а р и , муваффақиятлари учун ўзига олқишлар олган ташкилот мутасаддиларига ҳавас қилсак арзийди. Ахир, бола деб юрибмиз-да! Эртақчи деб яша-

япмиз-да!...  
«Оқшом эртақлари»нинг оқшомлари мунаввар тонгга элтсин!



## «Ойнаи Жаҳон» — болаларга

### СЕШАНБА, 25 август

- Ўз. ТВ — 1
- 10.05 «Янги алифбони ўргана-миз».
- 10.45 Болалар учун «Дўстлик фестивали».
- 11.45 «Шумтакалар», мультфильм премьераси. 31-серия.
- 18.10 Болалар учун «Табиат алифбоси».
- 20.05 Оқшом эртақлари.
- Ўз. ТВ — 2
- 18.15 «Ёрилтош» мульттўплам.
- 18.25 «Ёввойи ҳайвонот олами».

### Ўз. ТВ — 4

- 18.50 «Мульттомоша».

### ЧОРШАНБА, 26 август

- Ўз. ТВ — 1
- 9.00 «Олимпиадачилар ора-мизда» спорт дастури.
- 10.30 «Алифбо сабоқлари».
- 11.10 Болалар учун «Биз мактабга борамиз».
- 11.30 «Акс — садо».
- 12.45 «Шумтака» мультфильм премьераси. 32-серия.
- 18.10 Болалар учун «Бомбимом» эртақлари.
- 20.05 Оқшом эртақлари.
- Ўз. ТВ — 2
- 18.15 «Ёрилтош» мульттўплам.
- Ўз. ТВ — 3
- 16.50 Болалар учун «Эртанмо чоршанба».

### Ўз. ТВ — 4

- 18.50 Мульттомоша.
- 20.10 «Дунё ва болалар».

### ПАЙШАНБА, 27 август

- Ўз. ТВ — 1
- 11.45 «Шумтака» мультфильм премьераси. 33-серия.
- 14.10 Болалар учун «Бир сиқим тупроқ...».
- 18.10 «Олтин тож» телевизион ўйини.
- 20.10 Оқшом эртақлари.
- Ўз. ТВ — 2
- 18.15 «Ёрилтош» мульттўплам.
- 18.40 «2000 йилдан сўнг» телесериал.
- 19.00 «Катта танаффус» телеўйини.
- 20.05 «Табобат оламида».
- Ўз. ТВ — 4
- 18.50 «Мульттомоша».
- ЖУМА, 28 август
- Ўз. ТВ — 1
- 11.45 «Шумтака» мультфильм премьераси 34-серия.
- 12.25 Болалар учун «Доно бобо даврасида».
- 20.05 Оқшом эртақлари.
- Ўз. ТВ — 2

*Азиз ўқувчилар! Мана, ёзги таътилигининг тугашига ҳам саноқли кунлар қолди. Сиз оромгоҳларда, меҳнат-роҳат лагерлари-ю, сўлим қишлоқларда бирга бўлиб ёз гаптини сурдингиз. Булар ҳақида мактабдаги ўртоқларингиз, синфдошларингизга сўзлаб бериш учун шошиляпсиз. Ёзги таътилигиниз ажойиб саналарга бой бўлди.*

*Сиз телевидениенинг Ватани — бизнинг мамлакатимиз, телевидение тугилган жой — Тошкент шаҳрида жуда яхши биласиз. Бу ҳақда матбуот саҳифаларида, радио тўлқинларида, зангори экран орқали маълумотларга эга бўлгансиз.*

*Яқинда Республикамиз жамоатчилиги унинг 70 йиллигини кенг нишонлади. Инсоният жуда қадимдан ўзга мамлакатларни, мовий денгизлар туби-*

*рат ўрнатилиб, одамлар кўз ўнгида синаб кўрилди. Узатувчи ва қабул қилувчи аппаратлар тахт бўлган, улар ишга солинди. Тасвирда кўчадан ўтиб бораётган одамларнинг, трамвай вагонларининг қиёфаси 30—40 метр масофадан кўринди. Бу ҳаяжонли воқеани бошиқа тошкентликлар қаторида ўзбек киносининг кекса арбобларидан бири Сулаймон Хўжаев ҳам кузатиб турган. Ўзбек кино ҳужжатлари бу тарихий кадрларни узун-узун тасмаларга муҳрлаганлар.*

*Ўзбекистоннинг ўша даврдаги раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбоевлар ҳам истиқболли телевидение синовларидан хабардор бўлишган. Улар синовларнинг яхши яқунланиши учун шарт-шароит яратиб юзасидан*

- Ўз. ТВ — 2
- 8.00 «Ўйна, болажон, ўйна».
- 8.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
- 12.15 Болалар экрани.
- 18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».
- 18.30 «Мультпанорама».
- Ўз. ТВ — 3
- 17.30 «Цирк, цирк, цирк».
- Ўз. ТВ — 4
- 9.00 «Хайри тонг!».
- 10.15 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
- 14.20 «Жонли сайёра».
- 14.50 Кундузги сеанс.
- 16.50 «Сенинг вақтинг».
- 18.45 «Мульттомоша».

### ДУШАНБА, 31 август

- Ўз. ТВ — 1
- 9.10 «Ётти ёшга тўлдим мен».
- 9.25 «Алломиш авлодлари» спорт дастури.
- 10.45 Болалар учун «Олтин тож» телеўйини.
- 16.30 Болалар — жаннат райхонлари.
- 18.10 Болалар учун «Ҳа-ҳа-ҳа» хазил, хажв, хангома.
- Ўз. ТВ — 2
- 18.25 «Ёрилтош» мульттўплам.
- Ўз. ТВ — 3
- 17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
- Ўз. ТВ — 4
- 18.50 Мульттомоша.
- СЕШАНБА, 1 сентябр
- Ўз. ТВ — 1
- 8.35 «Чамандаги гуллармиз».
- 10.35 «Бойчечак».
- 11.45 «Шумтакалар» мультфильм премьераси 36 серия.
- 15.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним».
- 17.10 Болалар учун «Чамандаги гуллармиз».
- 18.10 Болалар учун «Озод элнинг ўғлиман».
- 20.05 Оқшом эртақлари.
- Ўз. ТВ — 2
- 18.15 «Ёрилтош» мульттўплам.
- 18.25 «Ёввойи ҳайвонот олами».
- Ўз. ТВ — 3
- 17.10 «Аралаш» болалар учун ҳажвий киножурнал.
- Ўз. ТВ — 4
- 18.50 Мульттомоша.

## ТОШКЕНТ — ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТУГИЛГАН ЖОЙ

*ни, қошотдаги юлдузларни яқиндан кўришни орзу қилганлар. Қадимги кишиларнинг бундай орзумидлари турли эртақ ва афсоналарда баён қилинган. «Ойнаи жаҳон», «Ойнаи Искандарий», «Жоми Жамшид» ҳақидаги эртақлар одамлар орасида кенг тарқалганлигини яхши биласиз.*

*Бу ҳақда улғў бобомиз Алишер Навоий ҳам ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонидан баён этган.*

*Қадим халқлар, буюк даҳо Алишер Навоий орзулари бизнинг мамлакатимизда — Тошкентда рўёбга чиқди. Бу воқеа 1928 йил 26 июлда содир бўлган эди.*

*Дунёда биринчи телевидениенинг ихтирочилари ҳаракат қилаётган тасвирни электрон нур ёрдамида бир жойдан, иккинчи жойга узатишга эришган тошкентлик Б.П. Грабовский ва И.Ф. Белянскийлар ҳам Б. Розингнинг гоёсида баҳраманд бўлганлар. Уша кунни аппарат электрон токига уланганда мўъжазгина экранда И. Берянскийнинг юриб тургани ҳолати ҳам, бош кийимини бир неча марта кийиб ечган ҳолати ҳам равшан кўринади. Бу мўъжизани кўриб турган ихтирочилар жойларини ўзгартириб, экранда ўз қиёфаларини кўришга мўъжасар бўлишган. Синоддан сўнг нуфузли комиссия аъзолари ихтиро ҳақидаги тегишли ҳужжатларни имзолашади. Комиссия аъзолари Б.П. Грабовский ва Ф.И. Белянский бажарган ишларни илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам қимматли деб баҳолади. Орадан бир неча кун ўтгач Тошкентнинг янги шаҳар қисмидаги кўчалардан бирига ўша аппа-*

*тегишли ташкилотларга кўрсатмалар бериб туришган. Синовларни давом эттириш учун ихтирочиларни чет элга таклиф қилишганида ҳамюртларимиз рад этиб, қатъиян боришмаган. Ихтиро фақат Ўзбекистонга тааллуқли эканлигини бир неча бор таъкидлаганлар. Ихтирочиларга Халқаро конвенция — қонун-қоидаларига кўра 55/92 ҳамда 13—733 рақамли патентлар берилган эди. Бу ҳужжатларнинг илмий, тарихий қиймати жуда катта. У ўзида ҳозирги замон телевизион тизимининг барча қисмларини муҳасамалаштирган эди.*

*Ўзбекистон марказий давлат архивида Тошкентда ўша йиллари ўтказилган электрон телевидение синовларига оид жуда кўп мўътабар ҳужжатлар сақланмоқда. Бу ҳужжатлар бизнинг ихтирочилигимиз, америкалик ёки германиялик мутахассислардан анча аввал бўи соҳадаги синовларнинг яхши ўтказганликларини аниқ исботлаб турибди.*

*Ҳа, телевидение Ватани — бизнинг мамлакатимиз, телевидение тугилган жой — Тошкентдир!*

*Азиз ўқувчилар! Бу ҳафта сизлар учун Ўзбекистон телевидениеси куйидаги кўрсатув, фильм, мультфильмларни тайёрлади.*

*Сизларни жонажон мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 7 йиллиги ва янги ўқув йилининг бошланиши билимлар кўни билан муборакбод этамиз. Янги ўқув йилининг «Мустақиллик дарслари» қутлуғ бўлсин!*

- 18.15 «Ўйна, болажон, ўйна!».
- 18.30 «Бор экан-да, йўқ экан!».
- 18.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллигига «Умид қалдиригочлари».
- Ўз. ТВ — 3
- 17.00 Болалар учун «Бинафша».
- Ўз. ТВ — 4
- 18.50 Мульттомоша.
- ШАНБА, 29 август
- Ўз. ТВ — 1

- 9.15 «Олтин тож» телеўйини.
- 9.40 «Шохрўх» клуби.
- 10.00 «Шумтака» мультфильм премьераси 35 серия.
- 12.15 «Мактаблар янги ўқув йилига шайми?».
- 19.50 Оқшом эртақлари.
- Ўз. ТВ — 2
- 18.15 «Боланинг тили».
- Ўз. ТВ — 4
- 10.05 «Шанба эртаги».
- 18.50 «Мульттомоша».
- 21.10 Бу ажиб дунё...
- ЯКШАНБА, 30 август
- Ўз. ТВ — 1
- 8.25 «Камалак» болалар учун кинодастур.
- 11.40 Болалар учун «Бомбимом» эртақлари.
- 14.25 «Қувноқ стартлар» телемусобақа.
- 18.00 Болалар учун «Гулгунчалар».

**Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,**  
Ўзбекистон телевидениеси «Болалар» Бош муҳарририятининг гуруҳ раҳбари

# МИНГ МИСОЛДАН БИР МИСОЛ

Оталар ёзади

Қимматли болалар! Ҳозирги яшаб утган эллик ёшимга бир назар ташлайдиган бўлсам, хаёлимнинг қирқ уч йили шўролар қўл остида утибди.

Мана, мустақиллигимизнинг етти йиллиги муносабати ила сизлар билан бир қаторда эркин қўшдек нафас олиб, маза қилиб яшаб юрибман. Мустақиллик! Шу бир сўзнинг қудрати менинг назаримда бир қоп олтидан ҳам қимматлироқ. Сиз, угил-қизларнинг яна бир бахтингиз шунда-ки, мустақил Ўзбекистонимизнинг пойдевори, усиб унаётган навнихолидирсиз.

Сизлар қанча аъло ўқисангиз, меҳнатда ишбилармон, юрти учун куйинган, ҳар соҳада хунарманд бўлиб етишсангиз катталарнинг ҳурматиға, кичикларнинг иззатиға сазовор бўласиз.

Сизларнинг бир-бирингизга нисбатан аҳиллигингиз туфайли ёш давлатимизнинг қад-қомати йил сайин мустақкамланиб, бошқа юртлар олдида ҳар тарафлама шон-шўхрати ортиб бораверади. Ота-боболаримиз бу мустақиллигимизни не-

ларнинг пештоқиға. — «Ҳафтанинг сешанба куни фақатгина ўрис тилида гаплашилиши шарт!» — деб катта ҳарфларда ёзиб қўйилар эди. Биз ўзбеклар билсак-билмасак уша кунлари ўрисча гаплашишга мажбур эдик. Уша кунги дарслар ҳам ўрисча утилар эди. Менимча бундан ортиқ руҳан эзилиш бўлмаса керак.

Туй-тантаналаримиз миллий руҳда утиши учун умуман рухсат беришмас эди. Қандай йигин бўлса албатта, ароқ, вино, пиво каби қатор ичимликлар қўйилиши шарт эди...

Ҳеч қандай миллий хунармандчиликка йул қўйилмас, кимки яширинча хунармандчилик билан шугулланган бўлса, шўролар ҳукмининг қарори билан мол-мулки мусодара қилиниб узи қамалар эди.

Ўзим истиқомат қилаётган пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Гуруч-ариқ маҳалласида хунармандчилик билан шугуллангани учун элликдан ортиқ маҳалладошим қамалган эди. Улардан бири бешик ясагани, яна бири дуппи тиккани, бошқаси косиб-



мустақиллигимиздан сўнг хунармандчиликка алоҳида эътибор берилиб, хунармандлар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ҳар бир хунармандга зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Юртимиздан катта-катта деҳқон бозорларида ҳар қандай хунармандлар учун ажойиб қатор расталар қуриб берилмоқда. Қадимда ота-боболаримиз «Йигит кишиға қирқ хунар оз» — деб бежиз айтишмаган. Хунарманд ёш-

кан енгил машина ишлаб чиқарадиган завод қисқа муддат ичида қуриб битказилиб, жаҳондаги йигирма олтига машина ишлаб чиқарадиган давлатлар қаторида, йигирма еттинчиси бўлиб сафга қўшилиб туришининг узи сўз билан ифодалаб бўлмайдиган қувончлардан бири эканини сиз ёшларға қайта-қайта айтгим келади.

Фараз қилинг, ер юзидаги уч юзга яқин давлатлар орасида, ёш мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги давлатлар орасида енгил машина ишлаб чиқаришда йигирма еттинчи давлат бўлиб, бутун жаҳонга танилишининг узи сиз-убизлар учун улкан бахт эмасми? Қизил империя даврида ҳайит, навруз каби улкан байрамларимиз оёқ ости қилиниб, уша байрамларни нишонлаганлар суроққа тутилар, амалдор шахслар бўлса амалидан уша заҳоти олиб ташланар, руза пайтида руза тутган мактаб ўқувчилари комсомол, пионер, йигинларида жазога тортилар эди. Мустақиллигимиз шарофати ила ҳайит, навруз байрамларимиз қайтадан тикланиб, уша кунлари катта байрам қилиниб, алоҳида дам олиш куни, деб Президентимиз томонидан фармон қабул қилинишининг узи оламшумул мақтовга сазоворлигини сиз ёшларға қандай баён қилишға ҳайронман.

Собиқ СССР даврида биринчи Тошкент шаҳрининг узида минглаб кучалар, ҳиёбонлар, мактаб-у, боғчалар, завод-фабрикалар, маҳалладошлар номи, ўқув юртлари, кино-театр ва метро ҳоказо-

ларға Ленин, Пушкин, Горький номлари қайта-қайта берилган. Уларнинг ҳайкали урнатилмаган районлар қолган эмас.

Озодликка чиққанимиздан сўнг, жойларни уз номи билан аташ, ҳайкаллар шаҳри деб ном олган пойтахтимизни уринсиз ҳайкаллардан тозалашға жиддий киришилди.

Уша пайтда Россиянинг чекка-чекка қишлоқларига етиб борган Бухоро гази Ўзбекистон учун деярли берилмас эди. Чунки ҳамма нарсанинг жилови Москва-нинг қулида булгани учун ҳам улардан ортеагина қолдигини Ўзбекистон учун лозим қуришар эди. Матбуотдаги маълумотларға қараганда, шўролар даврида бор йўғи Ўзбекистон аҳолиси ун уч фоиз газлашган бўлса, мустақиллигимиздан сўнг аҳоли 90 фоизигача газлашибди.

Қимматли угил-қизлар! Мен сизларға «Минг мисолдан, бир мисол» келтирдим холос. Ушбу ёзганимни «биринчи мақола» деб қабул қилсангиз. Сизлардан келган мактублар орқали насиб қилса иккинчи мақолани ёзар эдим. Бу ҳақда сизлар ҳам ўйлаб курсангиз фойдадан холи бўлмас эди. Сизларни ушбу мақола юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларингизни мустақил давлатимизға бўлган чексиз ҳурматингиз самараси, деб қабул қилар эдим.

Саидмурод САИДАХМАД



ча йиллардан бери орзу қила-қила шу кунларни қуролмай утиб кетдилар.

Ўзбекистонда яшаб туриб, бир-биримиз билан бемалол ўзбек тилида гаплаша олмас эдик. Ўрис тили иккинчи она тили, деб тилдан тортиб ҳамма соҳа ўрислаштирилган эди. Ҳатто Ўзбекистондаги барча мактаб-

чилик, кўпчилик, дурадгорлик, заргарлик, тун тиккани ва ҳоказо ота-бобосидан қолган хунарни қилгани учун турли муддатларда қамалган эди. Бу гапларимға ишонмайдиган баъзи ёшлар, шўролар даврида яшаган кексалардан сураб курса мақсадға мувофиқ булур эди.

Мустақил давлатимизда,

ларни курсам, Ўзбекистоннинг келажагини қургандек бўламан.

Шўролар даврида шундай Ўзбекистонимизда ҳатто бир дона велосипед ишлаб чиқарадиган завод бўлмаганиға баъзи ёшларимиз ишонмаса ҳам керак! Мустақиллигимиз шарофати билан Андижон вилоятининг Асака шаҳрида ул-

# «ЗЕБОНИНГ ТОПИШМОҚЛАРИ» НИ

## севимли ёзувчимиз Мақсуд Қориев тайёрлаёттилар

«Тонг юлдузи»да эълон қилинган «Зебонинг топишмоқлари»ни эътибор билан ўқиб чиқдим. Газета раёсати жуда муҳим, саховатли ишга қўл урибди. Ҳақиқатдан ҳам сизлар езганингиздек қадимий миллий анъаналаримиз эндигина ҳаётга йўл олган ёш авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлган. Буюк Алишер Навоий ўз ижодий камолотини «Қуш тили»дан бошлаган. Пушкиннинг буюк шоир бўлиб оламга танилишида энгаеси айтиб берган эртақлар сабаб. Ҳамид Олимжон ҳам эртақлар нақалар катта рол уйнаганлигини ўзи ёзган китобларида:

**«Болалик йилларимда,  
Уйқусиз тунларимда  
Кўп эртақ эшитардим  
Сўзлаб берарди бувим»**  
деб ёдга олади.

### БЕБАҲО АНЪАНАЛАР

Истиқлолимиз учун ақл-заковатли, билагон, кенг фикрли, ёшлар зарур, албатта. Тарбиянинг асоси боқчадан, мактабдан бошланади. Фарбдан ҳаётимизга ёриб кириб келаётган уруш, мушғлашиш, маиший бузуқликни курсатадиган кинофильмлар, видео кассеталар болалар тарбиясига ёмон таъсир курсатмоқда.

Улар китоб ўқиш, яхши мулоқотлар, фикрлар, оналарнинг насиҳатларини эшитиш урнига

фақат телевизор атрофига ўтириб вақтларини утказишмоқда. Эртақ эшитиш, топишмоқлар айтиш қайда дейсиз! Газета редакцияси миллий анъаналаримиз масаласида жуда уринли чиқиш ташкил этибди. Биз маорифчилар газета ташаббусини маъқуллаймиз.

**Ҳокимжон ҲОШИМОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
ўқитувчи,  
Тошкентдаги 22-мактаб директори.**

## БИЗГА ЮБОРИЛГАН ЖАВОБЛАР

«Маймун» деган топишмоққа жавоб:

Дарахт тепасига чиқиб олган маймун Нодирага олмадан ташламагандан кейин қизалоқ калтак курсатиб маймунга дўқ қила бошлайди. Кейин маймун қурққанидан олманинг ушоҳидан бу шоҳига сакраб қоча бошлайди. Шунда олма шоҳлари силкиниб, мевалар ерга тукила бошлайди.

лар ерга тукила бошлайди.

**Сардор ҲАМЗАЕВ,  
Юнусобод қишлоғи.**

1. «Пакана хотин том тепар» деган топишмоққа жавобини топдим.

Ҳамир қилиб, нон ясалаётганда нонни чакичланади.

Топишмоқнинг жавоби: чакич.

2. «Кичкина декча ичи тула михча», бунинг жавоби: Анор.

3. Пиёзни артсангиз пусти бир неча қават-қават булиб чиқа бошлайди. Унинг пусти етти қаватдан ҳам ортиқ. Халқ топишмоқларидан етти қават туни бор «дегани»: Пиёзدير.

Қолган топишмоқларни еча олмадим. Майли, «шаҳар бердим».

**Асилбек ҲАНИЕВ,  
Тошкент шаҳри.**

안녕하세요  
우즈베키스탄

койидилар. Аҳамият бериб курифта, буйи пастак уртоғингиз бошқаларга қараганда уйчан

## ПАКАНАЛАР МАМЛАКАТИДА

Иккинчи эртақ

Бу икки томонини Япон ва Сарик денгизлари ювиб турган ярим орол уша Гулливер саёхат қилган Лилипутия эмас, лекин одамларнинг буйлари бизларникидан сезиларли паст буларкан. Турги, буйи баландлари ҳам бор, лекин асосан бу ердагилар паст буйлилар экан. Бежизга пастак одамларни «япон», «корейс» деб аташмас эканда!

Лекин паст буй ҳам фахрланса арзигулик неъмат. Чунки корейслар айтганларидек: «Гап ҳажмда эмас, зичликда». Биласизми нимага? Билмасангиз физика ўқитувчингиз ёки физикадан «аъло»га ўқийдиган па-

кана уртоғингиздан сураб оласиз.

Хуллас, бизнинг паст буйлик корейс дўстларимиз зарра вақтлариниям бекорга сарфламас эканлар. Доимо гимир-гимир иш билан банд эканлар. Узимизда ҳам буйи паст булса «мехнаткаш-да, мехнатда пишган» дейишадик, эшитганмисиз? Аксинча, буйи дароз, уйинқарокларни «буйи новча, ақли қилча» деб

роқ, ишчанроқ. Албатта бу билан новчалар ақли паст, дангаса булади дегани эмас, ҳар бир одамнинг табиат фазилатини

унинг буйи ёки ранги руйига қараб эмас, балки унинг қилаётган иши, атрофдагиларга муносабатига қараб белгиланади. Шунинг учун паканалар ичида ҳам дангасалари новчаларнинг эса чаққонликда тенги йўқлари булади.

Чунки барибир «гап ҳажмда эмас, зичликда», яъни одамнинг ташқи тузилишида эмас, ичидадир.

**Наргиза Қосимова.**

Яқинда яна дала боғимга бордим. Зебо келишимни кўриб турган экан, чопганча келди. Қизалоқ ичидагини яширолмай: «Янги топишмоқ — ҳикоя топиб кўйдим сизга», деб қолди.

— Ўзинг тўқидингми, ё...

— Бу сир, шунчалик қидириб топганимни айтмай-сизми, — деди ҳазиллашгандай.

— Мен ечиниб чиқай, кейин сўзлаб берарсан.

— Бу сафаргиси анча қийин, топа олмайсиз, — деди кулиб қизалоқ.

— Бўлмаса «Шаҳар берарсан?», дейман...

### ОППОГИМ

Одамзод ҳам, ҳайвонотлар, қушлар, умуман жонли зот борки, барчаси учун фарзанд ширин. Она шурлик тонг отар уз чақалогини тебратиб, уйқусиз тунларни бедор утказди.

Бир куни қарқиноқ боласини инидан олганимизда онаси чигиллайбериб оламни бузиб юборди. Охири поллонни инига қуйиб кейин онасини тинчлангирдик. Арининг инини бузганимизда ҳаммамизни талаб, уртоғимнинг қовоғини чақиб, хишириб юбориб юборди. Ҳа,

она меҳридек бепоён нарса дунёда йўқ. Халқимизда қадимдан «кунгиз ҳам боласини оппогим дер экан», деган мақол бор.

Сиз шу мақолнинг маъносини тушунтириб бера olasизми?

### ГУРУНЧ ҚАЧОН СУВГА ТҮЯДИ?

Ривоятларга қараганда дунёда энг куп сув ичадиган усимлик-гурунч экан.

Сиз агар шолিপояга борсангиз ёз буйи сув ичида кумқук булиб усиб ётган шолига кузингиз тушади. Аммо бу усимлик ёз буйи сув ичида ётса ҳам чанқоғи ҳеч қонмас экан. Кейин ундан турли овқатлар қиласиз: паловхон тура, шовла, широнунч, мастава. Аммо гурунч уни пиширганингизда ҳам сувга туймас экан.

Айтингчи, гурунч қачон сувга туяди?

## ЗЕБОНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Маймун гапга кирмай, олма ташламагандан кейин, жажжи қиз ердан кесак олиб жаҳл билан маймунга отади. Маймун ҳам қизнинг бундай раҳмсизлигидан асаби бузилиб, дарахтнинг у шоҳидан бу шоҳига утиб бақираверибди. У ёққа, бу ёққа қараб, қулига илинадиган нарса тополмай, дарахтдаги қип-қизил олмаларни олиб қизга ота бошлабди. Жажжи қиз маймун отган олмаларни маза қилиб ебди.

2. Бола билан қиз ҳақидаги топшмоққа келсак, унинг жавоби шундай:

«Қиз бола дастурхонга утириш олдидан «қуйлагим эзилмасин» деб қули билан этакларини кутариб аста-секин утиради. Кейин дарҳол овқатга қўл урмай, одоб сақлаб утиради. Қиз бола кийимидаги бола эса стулга шартга утириб олиб, кейин дастурхондаги меваларга қўл узатди. Уй эгалари қиз болани ҳам, ўғил болани ҳам характери, узини тутишига қараб билиб олишибди.

Қадимги халқ топишмоқларига келсак, уларнинг жавоби:

Ҳасса, чақич, сигир, пиёз, анор, соя.

### ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

### Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Муртазо СУЛТОНОВ,  
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора  
ИУЛДОШЕВА, Ҳотам АБДУ-  
РАИМОВ, Икқилоб ЮСУП-  
ОВА, Дадахон ЁҚУБОВ,  
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ,  
Иноят АБДУСОАТОВА, Фе-  
руза ОДИЛОВА.

### «ЁШ ИҚТИСОДЧИ»

ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Равшан ҚАМБАРОВ,  
Маҳлиё МИРСОАТОВА,  
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-094.  
46.496 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30  
Набатчи София  
МУҲАММАДЖОНОВА

• Руйхатдан утиш тартиби  
№ 000137  
• Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кучаси,  
32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон: 1-  
33-44-25  
• 1-36-57-91  
• 1-36-54-21

